



УДК: 159.9(575.1)

Шахрух АБДУРАСИЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университети мустақил тадқиқотчиси
E-mail: sh.abdurasil@mail.ru

ЎЗМУ катта ўқитувчиси Эрназаров Ш.Э. тақризи асосида

POLITICAL HISTORY OF TASHKENT IN THE XVI CENTURY

Abstract

Tashkent has always held a special place in the life of the region, its socio-economic, cultural and spiritual development, highly appreciated its status and position, making a significant contribution to the processes of centuries-old historical and evolutionary development and the development of the people. In this place there are ruins of ancient Kang settlements, in particular architectural monuments built in Tashkent of the XVI century, as well as many historical, archaeological and cultural monuments preserved in the city of Tashkent and its surroundings. The article considers Tashkent, which occupies a special place in the life of the Bukhara Khanate, not only occupies an important place in the history, economic, political and cultural life of the peoples of Central Asia since ancient times, but also is one of the important cities of the Great Silk Road.

Key words: Tashkent, Bukhara, Timurids, Yunus Khan, Sultan Mahmudhan, Sheibanids, Abdullakhan, Suyunchhajakhan, Barak Khan, Darweshan, Babasultan, Madrasah Kukeldash.

ПОЛИТИЧЕСКАЯ ИСТОРИЯ ТАШКЕНТА В XVI ВЕКЕ

Аннотация

Ташкент всегда занимал особое место в жизни региона, его социально-экономическом, культурном и духовном развитии, высоко оценивал свой статус и положение, внося весомый вклад в процессы многовекового историко-эволюционного развития и развития народа. В этом месте находятся руины поселений древних Канг, в частности архитектурные памятники, построенные в Ташкенте XVI века, а также многие исторические, археологические и культурные памятники, сохранившиеся в городе Ташкенте и его окрестностях. В статье рассматривается Ташкент, занимающий особое место в жизни Бухарского ханства, не только занимающий важное место в истории, экономической, политической и культурной жизни народов Центральной Азии с древнейших времен, но и являющийся одним из важных городов Великого Шелкового пути.

Ключевые слова: Ташкент, Бухара, Темуридов, Юнусхан, Султан Махмудхан, Шейбанидов, Абдуллахан, Суюнчхаджахан, Баракхан, Дарвешхан, Бабасултан, Медресе Кукалдаш.

XVI ASRDA TOHKENTNING SIËSIY TARIXI

Аннотация

Тошкент ҳамма замонларда ҳам минтақа ҳаётида, унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаб, ўз мақоми, мавқеини баланд тутиб, халқнинг кўп асрлик тарихий-тадрижий ривожланиши, илгарилар бориши жараёнларига салмоқли ҳисса қўшиб келган. Бу жойда қадимги Қанг давридаги манзилгоҳлар харобалари, хусусан, XVI асрга оид Тошкентда қурилган меъморий обидалар ҳамда Тошкент шаҳрининг ўзида ва атрофида сақланиб қолган кўплаб тарихий, археологик ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Мақолада Бухоро хонлиги ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган Тошкент қадимдан Ўрта Осиё халқлари тарихида, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутибгина қолмай, балки у Буюк Ипак йўлининг ҳам аҳамиятга молик шаҳарларидан бири бўлганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Тошкент, Бухоро, Темурийлар, Юнусхон, Султон Махмудхон, Шайбонийлар, Абдуллахон, Суюнчхожахон, Баракхон, Дарвешхон, Бобосултон, Кўкалдаш мадрасаси.

Кириш. Истиклол йилларида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида эришилган ютуқлар, Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари, халқ нималар ярата олишга қодир эканлигидан яққол далолат бермоқда. Бу йилларда миллий тарих тўғрисидаги ҳақиқат юзага чиқиб, ўзбек халқининг катта тарих, бетимсол юксак маънавият ижодкори ҳамда жаҳон цивилизацияси ва илму фани равнақида салмоқли ҳисса қўша олган бунёдкор эл сифатидаги беназир салоҳияти, улкан даҳси тўлақонли ўз ифодасини топди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди. “Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация

ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради” [1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Турли ёзма манбаларда Тошкент ва унинг пайдо бўлиши, ривожланиши тарихи тўғрисидаги маълумотлар турлича тарзда талқин қилиниб келинган. Жумладан, Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да Сирдарё хавзасидаги мамлакат “Турон” аҳолиси эса “турлар” деб аталган. Бу ўлка тур қавмлари уруғ ва қабила оксоқолларининг диний ва сиёсий қароргоҳи –

Қанха (Қанға) шаҳри мавжудлиги тилга олинади. Бу аслида қадимги Хитой манбаларида аниқ қайд этилган Тошкент ва унга мансуб бўлган кенг қўламли воҳани ўз таркибига олган қадимги Қанг ёки Қанга давлати сарҳадларидир [2]. Чоч Тудунлари, шунингдек, суғд ҳужжатлари ва араб манбаларида ҳамда исломиятдан аввалги Чоч тангаларида учрайди.

Тошкентнинг XVI асрдаги сиёсий тарихига оид маълумотлар Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Ҳофиз Таниш Ал-Бухорийнинг Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий), Рузбехон Исфаҳонийнинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарларида ёритилган. Шунингдек, тарихчи олимлар Ҳ.Бобобеков, М.Содиқов, М.Миркомилларнинг “Тошкент тарихи”, А.Зиёнинг “Ўзбек дадлатчилиги тарихи”, З.Муқимовнинг “Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи” китобларида ҳамда О.Бўриевнинг “XIV–XV асрлар манбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақида маълумотлар” мақоласида маълумотлар берилган.

Тадқиқот методологияси. Халқаро қарвон савдоси ривожига кенг йўл ва қулай имкониятлар очган Буюк ипак йўлининг минтақа ҳудудлари бўйлаб ўтиши, шунингдек, Тошкент ҳам унинг муҳим чорраҳаларида жойлашганлиги ва кўплаб эллар билан туташганлиги бу шаҳарнинг ҳар томонлама юксалиб, савдо-сотик ва ҳунармандчиликнинг йирик марказларидан бири сифатидаги мавқеига ижобий туртки берганлиги жаҳон тарихидаги мавқеини белгилайди. Шу тарзда Тошкентнинг очик дунёга кенг юз тутиши, шарку ғарб, шимолу жанубий ҳудудлари билан яқиндан борди-келди қилиши, савдо-сотик, мол-товар алмашилиши жараёнларида фаол иштирок этиши, бундан узлуксиз фойда, манфаат топиши унинг шухратига-шухрат қўшиб, ҳар тарафлама раванқ топиб бориши халқаро мунсабатларга самарали таъсир кўрсатган. Тошкент ҳамма замонларда ҳам минтақа ҳаётида, унинг ижтимоий-иктисодий, маданий-маънавий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаб, халқнинг кўп асрлик тарихий-тадрижий ривожланиши жараёнларини цивилизация, кадриятлар методологияси асосида ёндашиб, холислик, кетма-кетлик, аниқлик, тадрижийлик методлари билан таҳлил қилишни таъказо қилади.

Таҳлил ва натижалар. Мўғулистон хони Туглуқ Темурхон зурриётдан бўлмиш Юнусхон (1468-1487) темурий ҳукмдор Султон Абусаиднинг сазй-ҳаракати билан Мўғулистонда хонлик тахтини эгаллади. Юнусхон учта кизини Абу Саиднинг учта ўғли – Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Умаршайх мирзога турмушга беради. Мўғулистон хони Юнусхон ва Темурийлар ўртасида 1485 йили Шохрухияда тузилган сулҳ шартига кўра Тошкент вилояти Юнусхонга берилади [3].

Тошкент вилояти ўша пайтдан бошлаб, то Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар Мўғулистон таркибига кирган. Уни дастлаб Юнусхон, вафотидан (1487) кейин эса ўғли Султон Маҳмудхон бошқарган. Тошкент шаҳри қисқа муддат, 1485–1503 йиллар оралигида, хоннинг қароргоҳи шу ерда бўлгани учун, Мўғулистоннинг сиёсий-маъмурий пойтахти мақомини олди. 1501-1502 йилларда Заҳриддин Бобур Тошкентга улуг хон тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига ёрдан олиш ниятида келган ва маълум вақт шу ерда яшаган [4]. Темурийлар хонадонидagi бошбошдоқлик авжига чиққач, Муҳаммад Шайбоний-

ни 1499-1507 йилларда Мовароуннаҳрни тўла ўз қўлига киритди [5].

Заҳриддин Бобур 1511 йили охири марта Мовароуннаҳрни олишга жазм қилиб, баҳорда Ҳисорни, ёзда Бухорони, октябрь бошида Самарқандни эгаллайди. Мазкур сиёсий ўзгаришларда Тошкент вилояти ҳам Бобур ихтиёрига ўтган ва у Тошкент шаҳрини бошқаришни амир Аҳмад Қосим кўхбарга топширган. Бироқ 1512 йил Убайдулла Султон бошлик шайбонийлардан мағлуб бўлиб, узил-кесил Кобулга қайтади. Бобур Самарқанддан кетгач, шайбонийлар лашкари Тошкентни қамал қилади ва Бобур тарафдорлари шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўладилар [6].

Шайбонийлар давлатини қайтадан қўлга киритиб уни сақлаб қолган шахслардан бири Муҳаммад Шайбонийхоннинг жияни, аскарбоши ва давлат арбоби Муҳаммад Султон ўғли Убайдуллахон (1484-1539) Биринчидир [7]. Убайдуллахон бошлик шайбонийлар Мовароуннаҳрни қайтадан қўлга киритгач, ўша вақтда Тошкент ва Туркистон ҳокими бўлиб турган (1510) Абулхайрхоннинг ўғли, Улуғбек Мирзонинг эса кизи Робия Султон бегимдан туғилган невараси Абулхайр, куниёси - Суюнч Хожaxonни Самарқандга келиб, «ўзбек қабилаларининг янги хонлар хони», деб эълон қилиб хугба ўқиттирдилар. У 1512 йилгача Олий Хон бўлиб турди. Кейинчалик бутун минтақани Бобурдан қайтариб олингач, дастлаб Убайдуллахон ўзини Олий Хон деб эълон қилди. Аммо Ясо қонунларига биноан сулоладаги энг ёши улуги Кучқунжхонга ушбу мансабни бўшатиб берди. Унинг укаси Суюнч Хожaxon эса қайтадан Тошкент ва Туркистон ҳокимлигини олиб у хоннинг валиаҳди (қаълага) этиб тайинланди [8].

1550 йилда Абдулазизхоннинг вафот этиши билан хон кўтарилган Муҳаммадёр Султон ҳокимиятни ўз қўлида тутиб туришга ожизлик қилади. Шу вазиятда 1551 йилда Тошкент ва Туркистон ҳокими бўлиб турган Бароқхон ва Самарқанд ҳокими бўлиб турган Абдулатифхон ўртасида Бухоро тахтини эгаллаш учун иттифоқ тузилиб ҳарбий ҳаракатлар бошланди. Натижада 1554 йилда Бароқхон Навруз Аҳмадхон номи билан (1552-1556) Самарқанд тахтига ўтиради [9]. Кейинчалик улар иттифоқига Султон Саид Муҳаммадиёр Султон ва Бурхон Султонлар ҳам қўшилиб, Насаф, Кармана, Миёнколни қўлга киритиш учун кураш бошлайдилар. Миёнколда ҳукмронлик қилиб турган Искандархон (Абдуллахон Иккинчининг отаси) эса душманга зарба уюштирамасдан Карманани ташлаб Амударёдан Балхга ўтиб кетади. Ана шундай оғир кунларда 18 ёшли Абдуллахон тарих майдонига чиқиб Кармана қалъаси мудофаасини уюштиради ҳамда уни 12 кун мобайнида иттифоқчилардан химоя қилгач, улар билан сулҳ тузишга эришиб, ўзининг тарафдорлари билан Балхга чекинади. Аммо 1551-1556 йилларда Абдуллахон Мовароуннаҳрни қўлга киритиш учун қаттиқ кураш олиб боради. 1556 йилда Туркиядан мадад олиб турган Навруз Аҳмадхон вафот этади. Бундан фойдаланган Абдуллахон ўз кўшинлари билан Амударёдан ўтиб ўзининг ота мерос юрти Миёнколни жангсиз (кейинроқ Шаҳрисабзни ҳам) эгаллайди [10].

Иккинчи босқичда шайбонийлар давлатида гарчи икки хон ҳукмрон бўлсада, амалда улар расмангина хон бўлиб, барча ҳокимият Абдуллахоннинг ўз қўлида тўпланган эди. Абдуллахон иттифоқчилар ўртасидаги низо ва жанжаллардан ҳам усталлик

билан фойдаланади Бобо Султон ва Абдулатифхоннинг ўғиллари Гадей Султон, Жувонмардали хонлар ўртасидаги Самарқанд учун бўлган низолардан фойдаланиб Бобо Султон ҳамда унга ёрламга етиб келган Дарвешхон (Навруз Аҳмадхоннинг ўғли) кўшинларини Илон ўтди мавзеида тор-мор келтиради. Бу жойда Абдуллахоннинг 30 минг аскарлари Дарвешхон ва Бобохонларнинг 50 минг аскарлари билан жанг қилганлиги ҳақидаги (насих хати билан ёзилган мармар лавҳада султонларнинг 400 минг кушини деб кўрсатилган) ёдгорлик ўрнатилган [11].

Бу даврда Туркия мамлақати ўзининг Эронга нисбатан олиб бораётган сиёсатида Ўрта Осиё ҳукмдорларидан фойдаланиш ҳамда ўзининг бу ерлаги таъсирини кучайтириш мақсадида шайбонийлар даалатининг ички ишларига аралашиб Абдуллахонга қарши бўлган Навруз Аҳмадхон унинг ўғилларига кўмаклашиш мақсаида замонавий милтиқлар (туфанг) билан қуролланган Турк (Рум) аскарлари воситасида ёрдам кўрсатаётган эди [12].

Хусусан, XVI асрда Шайбонийлар даврида Тошкент ҳокими Суюнчхожахон 1526 йилда вафот этгач, унинг кичик ўғли *Наврўз Аҳмадхон ибн Суюнчхожа* (Барокхон) Тошкент ҳокими (1525-1551) сўнгра Мовароуннахр хони (1551-1556) бўлди. У ёшлигида Восифийдан шеърят, мусиқа, ашула, вазн ва назмдан таълим олган. Айни вақтда чавандозлик ва ҳарбий машқлар билан кўпроқ шуғулланган. Барокхон XVI аср ўрталарида Бухоро хонлигида кучайиб кетган феудал курашдан фойдаланиб, Мовароуннахрни кўлга киритиб олди. Сўнгра кўшин билан Шайбонийхоннинг жияни Муҳаммад Раҳимни Бухоро устига отлангирди. Лекин Муҳаммад Раҳим йўлда тўсатдан вафот этди. Унинг ўғли Бурхон султон отасига қарашли ҳарбий қисмлар ва мулозимлари билан Бухоро остонасига етиб келди. Айни шу вақтнинг ўзида Барокхон Тошкентдан, Абдулатифхон эса Самарқандда Бухоро устига кўшин тортиб, охир-оқибат уни эгалладилар (1540). Барокхон Бурхон султонни Бухорони бошқаришда вақтинча ҳукмдор бўлиб турган Муҳаммадёр султонга шерик қилиб кўйди. Иттифоқчилар (Барокхон ва Абдулатифхон) Бурхон султонни ҳам ўзларига қўшиб Миёнкол хукмдорлари Искандархон ва Абдуллахонга қарши юриш бошладилар. Абдуллахон миёнколни Барокхонга қолдириб, Балхга кетишга мажбур бўлди ва у ердан туриб амакиси Балх хони Пирмуҳаммадхоннинг ёрдами билан Барокхонга қарши уч марта (1553,1554,1555) кўшин тортди, лекин ҳар гал мағлубиятга учради. Барокхон Абдулатифхон вафотидан кейин 1551 йилда Самарқандни ҳам эгаллади [13].

Шундай қилиб, 1551-1556 йиллари Барокхон Мовароуннахрни *Наврўз Аҳмадхон* номи билан идора қилди. У ўз номидан пул зарб эттирди. Мовароуннахрнинг кўпгина шаҳарларида унинг номи хутбага қўшиб ўқилди. У ободончилик ишларига эътибор берган, мадрасалар қурдирган (Барокхон мадрасаси – 1531 - XVI асрнинг 2-ярми). Барокхон 1556 йилда Зарафшон дарёсидан бошланган Дарғом каналининг бош ишооти – Равотхожа тўғонини тузатириш учун келган ва шу ерда тўсатдан вафот этган. Унинг даврида Мовароуннахр билан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой, Сибир ўртасида савдо-сотик, элчилик муносабатлари ривожланган. [14].

Барокхон 1556 йилда вафот этгач Барокхоннинг тўнғич ўғли Дарвешхон – Дарвеш султон Тошкент ва

Туркистон ҳокими (1556-78) бўлди. Укаси Бобо султон билан биргаликда Мовароуннахрда ҳукмрон бўлиш учун Бухоро хони Искандархон ва Абдуллахон II га қарши урушлар олиб борган. Хусусан, 1557 йил Илонўтти мавзеида Абдуллахон билан жанг қилган, жангда енгилгач, бирмунча вақт Абдуллахон билан иттифоқда бўлган. Бироқ укаси Бобо султон Абдуллахонга бўйин эгмай, курашни давом эттирган. Бобо султон 1578 йил Тошкентда исён кўтариб, Дарвешхонни қатл этган. Бундан хабар топган Абдуллахон Дарвешхоннинг ўчини олиш баҳонасида Тошкентга юриш қилиб, Чирчиқ жангида (1579 йил 18 апрель) Бобо султон кўшинини тор-мор келтирган. Бобо султон Туркистонга қочиб кетган. Тошкентдаги дарвозалардан бири (Дарвишак қофқа ёки Тешиққоққа), қабристон Дарвешхон номи билан боғлиқ. Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси Дарвешхон даврида қуриб битказилган [15].

1578 йил Дарвешхонни қатл этгач Наврўз Аҳмадхон (Барокхон)нинг кичик ўғли Бобохон - Бобосултон 1579 йилдан Туркистон ва Тошкент ҳокими бўлди. У Абдуллахон II нинг ашаддий рақиби эди. Отаси Барокхон вафотидан сўнг (1556) Гадей султон билан Самарқанд ҳокими бўлган. Ўша даврда Тошкентга Дарвешхон ҳоким эди.

Бухоро билан сулҳ тузган Дарвешхонни зиндонбанд (1574) қилиб, Тошкентни идора этган. Бобохон Самарқандга 30 минг кишилик кўшин жўнатган, бироқ бу кўшин Абулхайр султон томонидан мағлуб этилган. 1578 йил Бобохон қатта кўшин билан Зоминга келган. Абдуллахон унга тўсатдан ҳужум қилиб, қочишга мажбур қилган. Абдуллахон Туркистонга мулозимларини юбориб Дарвешхонни зиндондан озод қилган ва унга Тошкент тахтини қайтариб берган. Тошкентда Абдуллахон яхши кутиб олинган (1579). Бобохон манғитлар юртига қочган.

Бобохон элчи юбориб, тавба-тазарру қилгач, Абдуллахон унга Туркистонни берган. Аммо орадан ҳеч вақт ўтмай, Бобохон яна бош кўтариб, Тошкентга юриш қилган ва Дарвешхонни қатл эттирган (1579). Абдуллахон зудлик билан Тошкентга отланган. Чирчиқ бўйидаги жангда Бобохон енгилган. Абдуллахон Тошкентни қамал қилган, шаҳарликлар 10 минг кишилик кўнгилли лашкар тўплаб, мардонавор қаршилик кўрсатишган. Ниҳоят, Абдуллахон шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлган. Бобохон чўлга яширинган. 1580 йил Бобохон қозоқ хонларидан Ҳақназархонни енгган, жангда Ҳақназархон ҳалок бўлган. Унинг вориси Шифайхон ва унинг ўғли Таваккалхон Абдуллахон хизматига келишган. 1582 йилда Таваккал султон бошчилигидаги кўшин билан бўлган жангда Бобохон ўлдирилган. Унинг бошини Абдуллахонга келтиришган. Кейин Шайбонийлардан Искандархон ибн Жонибекхон (Бухоро хони)нинг ўғли, Абдуллахон II нинг акаси Дўстум султон - Абдул-қуддус султон 1580 йилдан Тошкент ҳокими бўлган. Дастлаб у 1560 йилдан Кармана ҳокими бўлган эди. Дўстум султон шеърятга ҳавасманд бўлиб, ўзи ҳам шеърлар ёзган. Дўстум султон 1598 йил жияни, Бухоро хони Абдулмўминхон томонидан фарзандлари билан биргаликда Тошкентда қатл этилган [16].

Хулоса ва тақлифлар. XV асрнинг охири – XVI асрда ва кейинчалик Тошкентнинг мавқеи анча ошди. Иқтисодий ва маданий юксалиш бу шаҳарнинг бошқа хунармандчилик ва савдо марказлари билан алоқаси жонланганидан, шунингдек, қурилиш

ишларининг ривож топишида намоён бўлди. Бароқхон мадрасаси, Қўқалдош мадрасаси сингари катта мадрасалар XVI асрда ўзбек султонлари даврида барпо этилган. Бу бинолар ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Тошкент шу атрофдаги вилоятнинг маъмурий бошқарув ва иқтисодий ҳаёт, ички ва ташқи савдо маркази, бошқа шаҳарлардан, ғарбий ва шарқий вилоятлардан келадиган қарвон йўллари туташган жой эди. Тошкент XVI асрдаёқ аҳоли анча зич жойлашган шаҳар бўлиб, аҳолининг катта қисмини савдогарлар ва хунармандлар ташкил қиларди. Айниқса, кейинги асрлардан бошлаб Тошкентнинг мавқеи янада ошди.

Бугунги кунда Тошкентда қурилаётган Ислон цивилизацияси маркази 15 та хорижий муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Мазкур даргоҳ аждодлар тарихидан сабоқ, меросидан таълим оладиган табаррук маскан бўлади. Тошкент тарихи, Қуръон, ҳадис ва хаттотликни ўрганиш йўлга қўйилади. Марказ ёш авлодни ватанпарварлик, одамийлик, эзгулик туйғулари асосида, илмсевар инсонлар этиб тарбиялашда бекиёс манба бўлиб хизмат қилади [17].

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 1 октябрь.
2. Бобобеков Х., Содиқов М., Миркомиллов М. Тошкент тарихи. -Т., "Fan va texnologiya", 2009. –Б. 197.
3. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди /Введение, перевод с персидского Урунбаева А., Джалиловой Р.П., Епифановой Л.М. Примечания и указатели Джалиловой Р.П., Епифановой Л.М. -Ташкент, Фан, 1996. С. 107-111.
4. Бўриев О. XIV–XV асрлар манбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақида маълумотлар / Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган Халқаро илмий конференция материаллари. –Т., «Фан» нашриёти, 2009. –Б. 46
5. Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев. - Тошкент, 1960. –Б. 75.
6. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. С. 139-140.
7. Азамат Зиё. Ўзбек дадлатчилиги тарихи. -Т., «Шарқ». 2001. –Б. 238.
8. Мирхонд. Мухаммад ибн Ховандшоҳ. Раузат ус Сафо, Форс тилидан ўзбек тилига А.Ҳазратов таржимаси. 2-қисм. -Т., 1941. –Б. 111.
9. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. С. 143.
10. Заҳириддин Бобур. Бобурнома. -Тошкент, 1960. –Б. 237.
11. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. («Шарафномаи шоҳий»). –Т., Шарқ, 1998, 1-жилд. –Б. 94.
12. Рузбехон Исфажоний. «Меҳмонномаи Бухоро». (Записки Бухарского гостя). -М. Наука. 1976. - с .79.
13. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. («Шарафномаи шоҳий»). –Т., Шарқ, 1999, 2-жилд. –Б. 205.
14. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990 йил 13 июль, №28 (3080) сони.
15. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тарихий-ҳуқуқий тадқиқот. -Тошкент, «Адолат». 2007. –Б.156.
16. «Тошкент» энциклопедияси. – Т., 2009. – Б.296.
17. Элмуродов М. Эски шаҳарда янги тарих барпо этилмоқда. // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 30 январь, № 21 (277).



Қаҳрамон АСҚАРОВ,
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди
E-mail: qahramonasqarov1965@mail.ru

НамДУ доценти, т.ф.н. Т. Қозоқов тақризи асосида

УЧТЕПА-БУЛОҚМОЗОР АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИГИ – НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ЯНГИ ТУРИЗМ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Аннотация

Ушбу мақолада Наманган вилояти Норин туманида жойлашган Учтепа-Булоқмозор археологик ёдгорлиги ва унинг худудида ўтказилган археологик қазишма ишлари таҳлил қилинган. Мақолада асосий эътибор ушбу ёдгорликнинг тарихи, зиёратгоҳга айланиш жараёнлари, мазкур объект худудида 2019–2020 йилларда олиб борилган археологик қазишма ишлари ва унинг натижасида қўлга киритилган илмий натижаларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Калит сўзлар: археологик ёдгорликлар, қазишма ишлари, топилмалар, Учтепа қабристони, туризм, Наманган вилояти, маданий мерос объектлари, сопол идишлар, зиёратгоҳ.

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЙ ПАМЯТНИК «УЧТЕПА-БУЛОКМОЗОР» - КАК НОВЫЙ ОБЪЕКТ ТУРИЗМА НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация

В данной статье анализируется археологический памятник Учтепа-Булакмозор, расположенный в Нарынском районе Наманганской области, и археологические раскопки на его территории. Основное внимание в статье уделено истории памятника, процессу его превращения в место паломничества, археологическим раскопкам, проведенным в 2019-2020 годах на этом месте, и полученным научным результатам.

Ключевые слова: археологические памятники, раскопки, находки, Учтепинский памятник, туризм, Наманганская область, культурное наследие, керамическая посуда, святыня.

ARCHAEOLOGICAL MONUMENT OF UCHTEPA-BULAKMAZAR - AS A NEW TOURISM SITE OF NAMANGAN REGION

Annotation

In this article the archeological monument of Uchtepa-Bulakmazar located in Narin district of Namangan region and archeological excavations in its territory are analyzed. The main focus of the article is on the history of the monument, the process of its transformation into a shrine, the archeological excavations carried out in 2019-2020 on the site and the scientific results obtained as a result.

Key words: archaeological monuments, excavations, findings, Uchtepa cemetery, tourism, Namangan region, sites of cultural heritage, pottery dishes, shrine.

Кириш. Мамлакатимизда 8 мингдан ортик маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, улар орасида археологик ёдгорликлар кўпчилиликни ташкил этади. Яқингача Ўзбекистонда асосан, архитектура объектлари, меъморий тарихий объектларга бой шахарлар халқаро туризм масканлари бўлиб келди. Лекин янги Ўзбекистон ва унинг Юртбошиси мухтарам Ш. М. Мирзиёевнинг кенг қўламли, серкирра сай-ҳаракатлари туфайли ноёб археологик объектлар ҳам ички ва халқаро туризм масканларига айлантира бошланди.

Маълумки, ривожланган давлатларда туризмга иқтисодийнинг стратегик сектори сифатида қаралади. Масалан, туризмнинг ялпи меҳнат маҳсулотга (ЯММ) қўшадиغان улуши Францияда 7% ни ташкил қилиб, 1 млн.дан ортик киши шу соҳада фаолият юритади. Мамлакат халқаро туризмдан 40 млрд. долларга яқин соф даромад олади [1.].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бугун мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш ҳам долзарб масалага айланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги Қарори ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. “Ички

туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорга мувофиқ, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури эълон қилинди [2]. Республикага туристлар оқими кўпайтириш, кириш туризмини миллий иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий тарихий мероси ва гўзал табиати ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралда ПҚ-3509 “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди [3].

Тадқиқот методологияси. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. Чунончи, тадқиқот жараёнида асосий методлар сифатида археологик қазишма ишлари натижасида топилган моддий-ашёвий манбалар ва уларнинг сақлашга доир янги қарашлар таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатда ички ва халқаро туризмни ривожлантиришда археологик

туризмнинг алоҳида ўз ўрни бор. Худудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш давлат дастури қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида жумладан: “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз” деган эди.

Шу боис юқоридаги вазифаларнинг ижросини таъминлаш йўлида Наманган вилояти Норин туманининг Учтепа қишлоғи 2019 йилда “Обод қишлоқ” давлат дастурига киритилиши муносабати билан ушбу аҳоли масканида жойлашган археологик ёдгорликларни ўрганиш зарурияти туғилди. Шу боис Республика Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019–2020 йилларга мўлжалланган танловидида қатнашиш учун “Учтепа–Булоқмозор археологик ёдгорликлар мажмуаси ва уни “Мовий осмон” остидаги музейга айлантиришга тайёрлаш” мавзусида лойиҳа тайёрлаб, танлов ғолиблиги қўлга киритилди. Бу ерда лаборатория аномалияларга асосланган геофизик методлар орқали 10 метргача чуқурликда сақланиб қолган археологик артефактлар, қадимги меъморий қурилма қолдиқларини топиши мумкин эканлиги ва сўнг уларни археологик қазилмалар орқали қанчалар реаллигини аниқлаш кераклиги масаласи кўтарилди. Ушбу дала амалиётида Наманган вилояти Норин туманидаги Учтепа–Булоқмозор археологик ёдгорликларининг иккитасида, яъни “Учтепа – 1” ва “Учтепа – 2” ёдгорликларида синаб кўриш режалаштирилди. “Учтепа – 2” ёдгорлигида 1918 йил ёзида ўтказилган лаборатория изланишларининг натижалари куйидаги хулосаларни берди:

Геофизик аномалияларга асосланган методлар асосидаги изланишлар натижалари: “Юқори технологиялар лабораторияси” геофизика тадқиқотлари натижаларининг археологик қазилмалар орқали очиб ўрганиш мақсадида 2019 йил апрелдан то октябрнинг охиригача “Учтепа 2” археологик объектида қазилмалар олиб борилди. Бироқ, ўрганилган “Учтепа 2” археологик объекти мутлақо ғалвирак (пористый) маданий қатламлардан ташкил топган бўлиб, геофизика изланишларида кўрсатилган қурилма қолдиқларини тўлиқ режа асосида тиклашга имкон бўлмади. Аммо, асрлар давомида шўр ва нам таъсирида нураб кетган девор ҳамда маданий қатлам қаришмаларида фавқуллодда ноёб, жаҳон туристларининг диққат-эътиборини ўзига тортувчи ҳамда оташпарастилик диний эътиқоди билан боғлиқ топилмалар чиқа бошладики, охир-оқибатда ушбу объект оташпарастилик ибодатхонаси бўлиб чиқди.

Дарҳақиқат, ибодатхона ҳаробаларини қазилш жараёнида жуда ноёб топилмалар очиб ўрганилди. Жумладан, ушбу топилмалар орасида 40дан ортиқ оловга сўгиниш алтар ўчоқлар, қурбонлик ҳайвонларини сўйиш учун тайёрланган 10дан ортиқ турли даврларга оид муқаддас тошпичоқлар, тошдан ясалган бир неча хил турдаги санам-маъбудалар, кўплаб оташпарастилик билан боғлиқ диний-ашёвий далиллар, муқаддас хаома ичимлигини тайёрлашда ишлатилгандиган тош ёрғучоқлар, минглаб қуллоқчилик чарҳида

профессионал юксак даражада ясалган нафис сопол идиш парчалари топилди.

Шунингдек, бу ердан айрим ибодатхона роҳибларининг қабрлари, одам скелетларининг бел қисмидан темирдан ясалган камар тўқалари, ҳайвонларнинг суяк парчалари ва улар ёнидан темир пичоқ ҳамда қабрга овқат билан қўйилган сопол идишлар, зардуштийликда сопол парчасида ва қатор тош маъбудалар танасида миҳхат алифбоси шаклида битилган энг қадимги ёзув намуналари ва олов билан бағлиқ самовий илоҳ ва паришталар суратлари ишланган схематик тошсанамлар, уларнинг баъзиларида ҳайвон ва балиқ суратлари чизилган эдики, уларнинг илмий қиммати қадимги маданият ва маънавиятни ўрганиш учун бениҳоят чексиздир. Чунки, ушбу топилмалар Фарғона водийси туб аҳолисининг ажодлари орасида роса 2 минг йил аввал арамей ёзувида саводхонлик ва юксак тажрибали мусаввирлар бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бундай қадимги ноёб ёдгорлик нафақат Норин тумани, шу билан бирга қадимги Фарғонанинг бирор-бир вилояти ёки туманидан аввал топилмаган [4].

Шундай қилиб, ушбу оташпарастилик ибодатхонаси Қадимги Фарғона (хитойча Даван-Дайюан, сўғдча Парғана) давлатининг маҳаллий ҳокимликларидан бирини ислом динига қадар топиниб келган умумшаҳар диний-мафкуравий маркази бўлиб, бундай ёдгорлик Наманган вилоятида илк бор тўлиқ очиб ўрганилмоқда. Мазкур лойиҳа олдида турган асосий вазифа нафақат янги очилган оташпарастилик ибодатхонасини ўрганиб, илмий муомалага киритиш, шу билан бирга, уни “Мовий осмон” остидаги музей қилишга илмий жиҳатдан тайёрлаш эди. Мазкур масалада Наманган вилояти ҳокимият раҳбарлари билан келишиб, ҳокимият ва “Ўзбектуризм” компанияси ҳомийлигида ибодатхона устини махсус қурилма билан ёпдириб, ибодатхона оташкадалари ҳамда меъморий девор қолдиқлари намойишида унинг ноёб топилмаларини экспозиция стендларига жойлаштириб, ички ва халқаро туризм учун янги объектни тайёрлаш кўзда тутилди.

“Учтепа 2” оташпарастилик ибодатхонаси Миён Рудоҳ музофотининг пойтахти Хайламнинг тарихий топографиясида қадимги шаҳарнинг шаҳристон қисмида жойлашган. Ундан 500 метрлар чамаси шарқда, қадимда, Қайнарбулоқ ёқасида шаҳар ҳокимининг ёзги резиденцияси қад кўтарган (“Учтепа 1”). Унинг шўр босиб галвирак шўрғоқка айланган харобалари ўртаси чўккан Тупроққўрғонни эслатади. Икки тепалик оралиги ва қадимги шаҳарнинг қатта ғарбий майдонида кейинги йилларда ҳавли-жойлар қурилиб, Учтепа-Булоқмозор археологик ёдгорликлар мажмуаси ўзининг қадимги шаҳар қиёфасини йўқотган. Стратиграфик шурф тепаликнинг шимоли-ғарбий томонида, тепалик чегарасида 3,5x2,40 метр хажмда қазилди. Унинг чуқурлиги ҳозирги ер сатҳидан то она ер (материк) қатламигача 1,70 см ни ташкил этади. Она ер-материк қатлами оч-жигаррангли тупроқдан иборат бўлиб, унинг устида қулранг маданий қатлам жойлашган. Ушбу қатламда тиниқ кизил рангда англоланган сопол парчалари ва ҳайвон суякларининг синиқлари учратилди. Унинг юқорисида 1,30 см қалинликда сарғич тупроқли маданий қатлам жойлашган.

Мазкур қатлам таркибида тўқ ва оч қизил рангларда ангобланган сопол парчалари, моғор босган сопол қозон синиқлари, ёнган ўтин кўмир ҳамда уй хайвони суяк парчалари учрайди. Ангобланган сопол парчалари жуда юпка стенкали, қуллочилиқ чархида ясалган ва қазишмаларни юқори қисмининг юзаси янгитдан чим босиб кетган. Шурф майдонида қурилма қолдиқлари учратилмади. Ёдгорликда ҳосил бўлган маданий қатламлар кетма-кетлигини ўрганиш мақсадида стратиграфик траншея тепалиқнинг шимол томонидан жанубга қаратиб солинди. Унинг узунлиги 10 м., кенлиги 1 метрдан иборат. Траншея кесмасида шимолдан жануб томон пахса ва хомғишт қатламлари аралаш маданий қатламларни кесиб 4 метргача тушилди, унинг жанубий адоғида эса 2 м. масафада 7 метр чуқуриқда материк очилди. Ёдгорликда олиб борилган археологик қазишмалар, кузатувлар шуни кўрсатдики, ҳақиқатда ибодатхона бирламчи асоси қалинлиги 1,5 м. атрофида бўлган платформа устига қурилган. Дастлабки платформа майдони тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи чамаси 1 м. қалинликдаги мудофаа девори билан ўраб олинган [5].

Кейинчалиқ ушбу девор ташқарисидан унга ёпиштириб, икки марта мирза деворлар урилган. Қазишмалар натижасига кўра, ибодатхонага кириш марказий эшиги унинг шимолий томонида жойлашган бўлиб, у қалин пахса деворли коридор сифатида бўлганлиги аниқланди ва ушбу қисмининг шарқий девори фундаментал характерга эга. Ибодатхона марказий қисмининг ғарбий томони перпендикуляр деворлар билан уч хонага бўлинган. Уларнинг ҳар бирини ичи алтар-ўчоқ ва тош алтарларга тўла. Ибодатхона марказий майдони ҳали тўлиқ очилмади. Шу боис, қутилган марказий зал ва бош аташқада ҳозирча топилмади.

Қазишмалар давомида етарли даражада қуллочилиқ маҳсулотлари, тошга ишландан ёки махсус танланган дарё тошларига одамсифат ишлов берилиб ясалган схематик тош маъбудалар, қурбонлик тошпичоқлари, тош ёрғучоқ, палахман тошлар, урчук тошлар, уй-рўзғор ва хўжалиқ меҳнат қуроллари ҳамда ҳар хил диний-культ предметлари топилди. Уларни ўз гуруҳига кўра тавсифи ва классификацияси қуйидаги тартибда амалга оширилди: қуллочилиқ маҳсулотлари, схематик тош маъбудала, қурбонлик тош пичоқлари (жертвенке ножи), муқаддас хаума ичимлиги тайёрлаш меҳнат қуроллари, диний культ предметлари, уйрўзғор ва хўжалиқ предметлари каби стендентларга жойлаштирилиб, “мовий осмон” остидаги усти ёпилган қурилма деворлари айланаси бўйлаб виртуал музейга айлантирилади. Буларнинг ҳар бир гуруҳига бағишлаб, рисола, диаграмма ва макетлар тайёрланиб, ушбу маънавият, маърифат ва маданият масканининг туб моҳияти очиб берилди.

“Учтепа 2” Булоқмозор мажмуаси ҳақиқатда жуда ноёб ва нозик объект. Ушбу маскан мафқуравий аҳамияти жиҳатидан икки жаҳон дини тўқнашган объектдир. Ўша кезларда араблар билан бирга келиб, оташпарастларни ислом динига киритиш бобида шухрат қозонган пайғамбарзода Қурайиш она номини ҳозиргача кекса учтепалар хурмат билан эслайдилар. Булоқ яқинида таркиб топган қабристон эса ана шу она қабри ва унинг издошлари ҳамда муридлари туфайли шаклланади. Мазкур афсонавий қаҳрамон маҳаллий халқ орасида ҳозиргача Қора Хотун (қадимги туркийда “буюк малика”) номи билан маълум ва машҳур бўлиб, Қорахонийлар даврида унинг қабри устида шинамгина мақбара қад кўтаради. Ҳозирда эса Норин тумани раҳбариятининг қарори асосида пайғамбарзода Қурайиш она қабри ўрнида кишлоқ оилавий поли-клиникаси, унинг қаторида, қадимги қабристон майдонида болалар боғчаси қад кўтарган [6].

Шунингдек, булоқ сувининг бир қисмини сувсизликдан қақшаб ётган Учтепа кишлоғи орқали оқизиб, кишлоқ аҳолисининг ҳеч бўлмаганда бир қисмини сув билан таъминлаш; Булоқмозор микрокомплекс доирасида тадбиркорлар ташаббуси билан китоб ва газетажурнал дўконлари, замонавий ости ошхона, усти меҳмонхонали бинолар барпо этиш, турли тижорат дўконлари, маданий марказ ва кутубхона ташкил этиш; жамоатчилик хожатхонаси, сартарошхона, енгил автостоянка ва бошқалар ташкил этиш; Учтепа Булоқмозор комплекси доирасида тадбиркорлик йўли билан ҳар бири 30 квадрат метрдан кам бўлмаган 30 та хусусий тижорат дўконлари барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, вилоят ҳокимияти бу ишларга катта эътибор бериб, бош-кош бўлса, келажакда бу масканни халқаро туристик курортга айлантириш истикболи мавжуд.

Хулоса ва таклифлар. Республика Президентининг шарофати билан Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом қавмидан бўлган Қурайиш она ҳақидаги тарихий ҳақиқат моддийликда қарор топгач, Осиё мусулмон мамлакатларидан хаж сафарига отланган сайёҳлар Учтепада барпо этилаётган туризм объектига қадим ранжида қилишлари табиий ҳол. Бу эса шубҳасиз, Учтепа-Булоқмозор мажмуаси таркибида шинам бир масжид барпо этишни тақозо этади.

Олиб борилётган археологик тадқиқотлар, барча амалий ишлар республика археология фани соҳасини янги илмий маълумотлар билан бойитиш, Ватанимиз қадим ўтмишини асосли тарзда ёритиш ва қолаверса, республикада ички ва халқаро туризмни ривожлантиришга қаратилган. Бу борада ҳалол меҳнат қилиб, Учтепа-Булоқмозор мажмуасини келажакда халқаро туризм ва илҳомбахш курортга айланишига ишонамиз.

АДАБИЁТЛАР

1. www.tourism.ru.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3514-Қарори // Халқ сўзи. 2018 йил 8 февраль. – Б. 2.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3509 Қарори // Халқ сўзи, 2018 йил 7 февраль. – Б. 3.
4. Дала ёзувлари. Наманган вилояти Норин тумани Учтепа кишлоғи. 2019 йил.
5. 2019-2020 йилларда Учтепа-Булоқмозор зиёратгоҳида амалга оширилган археологик қазишма ишлари ҳисоботи. – Наманган, 2020. – Б. 14.
6. 2019-2020 йилларда Учтепа-Булоқмозор зиёратгоҳида амалга оширилган археологик қазишма ишлари ҳисоботи. – Учтепа, 2020. – Б. 16.



Меҳринисо БЕГАЛИЕВА,
Термиз давлат университети ўқитувчиси
E-mail: Mexriniso.84@mail.ru

ТерДУ Тарих факультети декани, т.ф.д. Э.О. Қобулов тақризи асосида

ПАТТАКЕСАР ТАРИХИ

Аннотация

Ўрта Осиёга Россия империяси ҳукмронлиги даврида сайёҳлар, ҳарбий амалдорлар, шарқ тилларини яхши биладиган шарқшунос олимлар келган ва улар томонидан ўлканинг тарихи, географияси, этнографияси ва бошқа соҳаларига оид жуда кўплаб илмий мақолалари, тарихий китоблари чоп этилган. Мазкур маълумотлар орасида Бухоро амирлигининг шарқий қисми ҳисобланган Сурхон воҳаси, унинг шаҳарлари тарихи ҳақида ҳам қимматли маълумотларни учратишимиз мумкин. Мазкур мақолада манбалар ва тарихий адабиётлар асосида Бухоро амирлигининг асосий таянч чегара нукталаридан бири бўлган Термиз Паттакесар қишлоғи тарихи, унинг Бухоро амирлигидаги географик ўрни, ҳарбий-стратегик ва савдо иқтисодий аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Термиз, Келиф, Керки, Паттакесар, Сурхон, Амударё, Афғонистон, Россия империяси.

ИСТОРИЯ ПАТТАКЕССАРА

Аннотация

В период господства Российской империи помимо путешественников, военных чиновников Среднюю Азию посещали русские учёные, которые хорошо владели восточными языками. По исследованиям этого края этими учёными написаны немало научных статей, исторические книги, посвящённые истории, географии, этнографии, и другим отраслям этого края. Среди приведённых данных можно встретить ценные сведения о Сурханском оазисе, истории городов, которые являлись восточной частью Бухарского эмирата. Также в статье, на основе источников и исторической литературы освещены история Термеза –Паттакесара его географическая роль, военно-стратегическое и торгово-экономическое значение в Бухарском эмирате. являющейся основным пограничным оплотом Бухарского эмирата.

Ключевые слова: Бухарское эмиратство, Термез, Келиф, Керки, Паттакесар, Сурхан, Амударья, Афганистан, Российская империя.

HISTORY OF PATTAKESAR

Abstract

Tourists, military officers, and oriental scientists who were fluent in Oriental languages came to Central Asia in the period of the reign of the Russian Empire. They many scientific articles and historical books that belong to the the history, geography, ethnography and other fields of the region have published by them. Among these data we can find valuable information about the history of the Surkhandarya oasis, which is considered the eastern part of the Bukhara Emirate, and its cities. It is illuminated history of Termez-Pattakesar where is one of the main base boundary points of the Bukhara Emirate, its geographical position in the Bukhara Emirate and military-strategic and trade-economic significance, based on sources and historical literature in this article.

Key words: Bukhara emirate, Termez, Kelif, Kerki, Pattakesar, Surkhandarya, Amudarya, Afghanistan, Russian Empire.

Кириш. Термиз ўзининг тарихи, маданияти ва қулай стратегик ҳудудда жойлашганлиги билан ажралиб турган. Шу муносабат билан Чор Россияси бу ҳудуднинг барча соҳаларини ўрганишни ташкил қилган. Термизга кўплаб рус сайёҳлари, инженерлари, олимлари келиб фаолият олиб борган ҳамда улар ўз эсдаликларидан бир қатор тарихий маълумотларни келтириб ўтишган. Бу маълумотларда айниқса, дастлабки рус ҳарбий манзилгоҳи Паттакесар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бизга яхши маълумки, Россия империяси истилосидан сўнг Туркистон ўлкасини ҳар жихатдан ўрганиш муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, Сурхон воҳасини тарихий манбалар ва адабиётлар орқали тадқиқ қилиш муҳимдир. Сурхон воҳаси тарихини ўрганишда бевосита Туркистон генерал губернаторлиги ҳомийлиги остида чиққан “Туркестанский сборник” тўпла-

мини келтириб ўтиш мумкин. Мазкур тўпламда воҳанинг тарихий географик ўрни, шаҳарлар тарихи, аҳоли жойлашуви, қишлоқ хўжалиги, шаҳарларнинг ички ва ташқи савдо алоқалари тарихи таҳлили келтирилган. № 497, 474, 504. Мазкур сонларда Термиз–Паттакесари тарихи рус шарқшунослари томонидан келтирилган маълумотлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Туркистон ўлкасида биринчи бўлиб вақтли матбуот сифатида чиққан “Туркестанский ведомости” газетасида эълон қилинган мақолаларни ҳам келтириб ўтиш мумкин. Газетанинг 1910 йил № 210 сонидан Паттакесарда саноатнинг ривожланиши, темир йўлни қириб келиши ва савдо алоқалари тарихи ҳақида мақолалар эълон қилинган. Ушбу тўплам ва газета саҳифаларида Сурхон воҳаси тарихи айниқса, Термиз–Паттакесар тарихи ҳақидаги ўз маълумотларини эълон қилган рус ҳарбий инженери,

шарқшуноси Д. Н.Логофетнинг асарлари ҳам тадқиқ қилиб ўтилган.

Таҳлил ва натижалар. Россия империяси мустамлакачилигининг дастлабки кунлариданок Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва бу орқали суғориш тизимини кенгайтириш, шунингдек, стратегик жиҳатдан қулай чегара, ҳудудларини барпо қилишга ҳаракат қилди. Ана шундай ишлар кенг кўламда амалга оширилган ҳудуд Термиз бўлган. Термиз Бухоро амирлигининг Афғонистон билан чегараси савдо-иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган стратегик ҳудуд эди. Ўрта Осиёда ҳарбий-стратегик ҳолатни яхшилаш учун Бухоро-афғон чегарасида бир неча таянч пунктларни тузишга ҳаракат бошланган.

Дарҳақиқат, 1888 йилда шу мақсадда Амударё-Керки истехкоми қурилган ва ҳарбий гарнизон барпо этилган эди. Аммо бу истехкомнинг жойлашган ўрни бош йўлдан четдан бўлгани, ноқулай иқлимий шароитлар гарнизон аҳолиси сафидан кўпгина одамларнинг безгак касаллигидан ўлганлиги, дарё қирғоғида пайдо бўлган шаҳарни мунтазам равишда сув ювиб кетиши натижасида янги савдо марказининг тўхтаб қолганлиги сабабли Амударёнинг юқори оқимида янги истехком қуриш учун жой излана бошланган эди. Бу масала муҳокама қилиниб, Сурхоннинг Амударёга қўйилишида кўхна Термиз харобалари яқинидаги жойда истехком қуриш учун бир тўхтамга келинди. Бу ер Керки истехкомидан 200 чақирим узокда турарди [1].

Бу жойнинг умумий тавсифи шундан иборатки, у очик кум текислик бўлиб, шимол томондан унчалик баланд бўлмаган тоғ тармоқлари билан ўраб олинган, улар Амударёга унчалик сезиларли бўлмаган нишабликда пасайиб келган. Паттакесар текис қирғоқ бирмунча тепаликка айланган ва дарё бўйида жойлашган. 13-Туркистон мунтазам батальони казармалари иморатларидан иборат бўлган ҳозирги Термиздаги жойлар Амударё томонидан ботқоқли тасма билан ўралган сариқ тупроқли очик текисликда жойлашган эди. Термиз атрофида истиқомат қилувчи аҳоли доимий равишда Амударё инжиқликларига бардошли бўлган. Паттакесар Амударё кечувида жойлашганлиги сабабли Россия империяси муҳим стратегик нукта (Амударё соҳилидаги энг муҳим нукталар қаторида Керки ва Келиф) саналган [1].

Айниқса, Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасида 1873 йил 28 сентябрда тузилган шартномадан кейин унга эътибор янада ортди. Маълумки, шартнома 17 моддadan иборат бўлиб, унинг 3-моддасида: “Бухоро амирлигига қарашли Амударё қисмида Бухоро кемалари ва рус пароходлари, шунингдек бошқа флот кемалари қаторида ҳукумат ҳамда шахсий кемаларга эркин сузишга рухсат берилади” дейилса, шартноманинг 4-моддасида “Керак ва қулай бўлган Амударёнинг Бухоро қирғоқларида руслар ўзининг тўхташ жойи ва товар омборлари қуришга ҳақлидир”, деб ёзилган [2].

1888 йил 23 июнда имзоланган шартнома моддалари қайта кўриб чиқилади ва рус фуқаролари учун Янги Бухоро, Чоржўй ва Керки ҳудудлари асосий яшаш жой сифатида танланади. Бундан ташқари, Амударё чегара қизиги бўйлаб манзилгоҳлар барпо этиш кўзда тутилади. Хусусан, Термизнинг Амударё қирғоғида туташган Паттакесар қишлоғи ёнида руслар истиқомат қилиши учун яшаш жойларини қуриш бошланади. Шундан сўнг Термизга телеграф тармоқ-

ларини тортиб келиш бошланади. Айниқса, Амударё сув йўли пароходчилиги ташкил этилганидан сўнг иш янада ривожланади [2]. Бу давр ҳақида кўпгина илмий тадқиқот асарларида ҳам маълумотлар мавжуд [3].

1893 йил 15 январда Термиз Бухоро амири томонидан Россия подшоси ихтиёрига берилганидан сўнг бу ерда ҳарбий қисмларни жойлаштириш ишлари олиб борила бошланди. Бу ҳудудни ривожлантириш учун Россия ҳукумати барча тадбирларни амалга ошира бошлади. Бизга яхши маълумки, Россия империясининг Туркистондаги аграр сиёсатидан кўзланган бош мақсад пахта масаласини ҳал этиш эди, бу ишни амалга ошириш учун суғориш тизимида муҳим тадбирлар амалга ошириш талаб этиларди. Империя маъмурлари дастлабки йилларда рус аскарлари ва аҳолиси истиқомат қилаётган шаҳар ва қишлоқларнинг сув таъминотини яхшилаш ҳамда озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун суғориш тизими тадбирларини амалга оширди. Айнан бу ҳолатга Термиз шаҳрида амалга оширилган ишлар яққол мисол бўла олади. Россия империяси ҳукумати Сурхон воҳаси ҳудудларининг Афғонистон давлати билан чегарадошлиги ва бу давлат орқали инглизларнинг Бухоро амирлиги ҳудудларига нисбатан ғаразли талаблари ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Термиз шаҳрини мустақкам эгаллаб, муҳим тадбирлар амалга оширила бошланган эди.

Энг муҳим вазифа ҳарбий шаҳарнинг сув таъминоти масаласи эди. 1889 йилдаёқ Термиз шаҳри атрофида 10 минг десятина ерни Сурхон дарёсининг ирмоғи бўлган Қизилсув билан суғориш борасида тадбирлар ишлаб чиқила бошлаган [4]. Олинган маълумотларга кўра, доимий сув тошқини даврида ҳарбий участкалар қаршисидаги ботқоқли текисликлар 15-20 саржинга яқин улар оқим йўналишига кўра тик қиялаб ўтган. Термиз яқинидаги ботқоқлик поғонама-поғона текис майдонларнинг умумий эни 1-1/2 чақиримдан ошмас эди [5].

13-батальон казармалари дарёдан 2 чақиримга яқин ерда турганлигини ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, Амударёнинг ҳарбий участкаларига яқин ҳолати ҳақида айтилган. Паттакесардан 6-7 чақиримларда Термиз ҳудуди кенг ҳудудда жойлашган. Бу ерда бир қанча миноралар бўлиб, улар атрофида рангли сирланган ғиштдан қопламалар сақлаб қолинган. Манбаларда шаҳар ҳақида яна шундай дейилади: Термиз шаҳри яқинида Зўйиновод кўрғони бор. Амударё соҳилидаги энг катта шаҳар Термиз бўлиб, у Самарқанддан Мозори Шарифга ва Қобулга борадиган тўғри йўлда жойлашган. Термиз қадимдан Бухоро – Афғон чегарасининг энг жанубий пункти, бундан ташқари, Сурхон ва Амударё билан ҳимояланган жой сифатида жуда қулай стратегик мавқега эгадир [1].

Термиз атрофида сариқ тупроқли ҳосилдор ерларнинг катта майдони ва қадимги ирригация тизимларининг мавжудлиги бу ерларни осонгина яна маданий ҳолатга айлантириш имкониятини берди. Бунинг учун эса эски ариқларни тиклаш керак эди. 1894 йил 12 декабрда Амударё чегараларини қўриқлаш учун Паттакесарга чегарачи қисмларнинг 31-Амударё бригадаси келтирилади [6].

1897 йилда махсус комиссия томонидан истехком учун жой тайинланган ва ҳарбий қисм учун казарма қуришга киришилган. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, биринчи бўлиб Термизга шаҳар ва мустақкам қалъа сифатида ўз эътиборини қаратган киши Амударё

бригадасининг собиқ қўмондони полковник С. Костьевич эди. У Термиз яқинидан жой танлаб, унда чегара бригадаси штаби билан бирга черков, казармалар, штаб офицерлари хонадонларини жойлаштиради, шунингдек улар учун госпиталлар барпо қилинади[1].

Ҳарбий қисмлар қурилиши учун даставвал маҳаллий аҳолидан 40 десятина ер сотиб олинган эди. Аммо бу ер участкаси жуда оз бўлиб, аввал бошида қарор қилинган эди. Сўнгра шу нарса маълум бўлдики, участкани суғориши ёмон қурилган Солиҳобод ариғига қаратилган. Шунинг учун сотиб олиш ўрнига Бухоро амирлигидан катта ер участкасини сўраб олиш мўлжалланган эди. Бу ер участкасини суғориш учун янги суғориш тизимини қуриш лозим эди. Масалани жойида аниқлаб олиш учун 1898 йилда Термизга инженер Гельман экспедицияси келади. Унга юклатилган асосий вазифа Термиз яқинида умумий майдони қарийиб 14750 десятинагача бўлган ерларни суғоришнинг дастлабки лойиҳасини тузиб чиқиш керак эди. Бунинг учун 130 минг рублик янги ариқ қурилиши ҳам мўлжалланган эди. Бу масалани кейинчалик бир қатор комиссиялар ҳам кўриб чиқди ва ниҳоят 1899 йилда армия қўмондони генерал Духовскийнинг раислигида махсус кенгаш ўтказилади. Кенгаш қуйидагича якуний қарор қабул қилади: Рус ҳукумати Солиҳобод ариғидан бошланадиган янги ва ишончли ариқ қурилиши билан бирга мавжуд барча Паттакесар ва Солиҳобод каналлари суғориш тизимларини яхшилаш ва кенгайтиришни ўз қўлига олиши зарур бўлган [1].

Ушбу қарор натижасида тегишли талабнома қабул қилинади ва Бухоро амири рус ҳукуматига 9000 десятина ер участкасини текинга беради. Бу ерлар, бир томондан Амударё билан чегарадош, иккинчи томондан Кўҳна Термиз харобаларидан Сурхон дарёсигача ўтказилган тўғри линия билан туташи эди.

Бу улкан ер участкасининг рус ҳукумати ихтиёрига ўтказилиши муносабати билан ҳарбий инженер Гельманга мазкур лойиҳани кўриб чиқиш топширилди. У янги ерларни атрофлича ўрганиш орқали Термиз ерларини суғориш тизимини қайта кўриб чиқиши лозим эди. 1900 йилда инженер Б. И. Кастальскийнинг экспедициясига рухсат берилди. У барча суғориш тизими Сурхон дарёси ва Солиҳобод ариғининг ҳолати, сув оқими, тезлиги, бурғилаш асосида дарё туби ва тупроғини аниқлаш ва Сурхон дарёсини Термиздан 120 чақирим узокликда иккала қирғоғи бўйлаб жойлаштириш лозим эди. Шу билан биргаликда, инженер Б.И. Кастальский томонидан Термизни Сурхон дарёсидан чиқарилган бош тўғон, тиндирувчи бассейнга эга бўлган махсус ариқ орқали суғориш лойиҳаси тузилди. Сурхон суви жуда лойка бўлганлиги учун шундай қилинган эди. 1901 йилда янги ариқ қурилиши лойиҳаси тасдиқланди. Термизни суғориш масаласи давлат аҳамиятига молик масала бўлган. Чунки қулай шарт-шароитлар туфайли бу ерда Афғонистон билан савдо алоқаларини олиб бориш имконини берадиган катта савдо шаҳрини яратиш мумкин бўлган. Термиз яқинидаги Паттакесарнинг ривожланиши шуни яққол исботлайдики, бу ҳудуд катта савдо имкониятларини яратади. Ҳарбийлар билан биргаликда бу ерда савдогарлар ҳам келиб жойлашади ва уйлар қуриб ўз дўконларини очишади [7]. Келажакда Термизни улкан шаҳарга айлантириш учун барча имкониятларини бажариш керак эди. Бу

имкониятларни бажариш замирида, албатта, иқтисодий манфаат суғориш тизими ётарди. Бу ишларни бажариш учун иккита лавозим ирригация ишлари мудир ва ариқ ишларини яхши биладиган оксокол лавозими таъсис этилади. Термиз- Паттакесарини кўп сонли аҳоли яшайдиган шаҳарга айлантириш учун барча харажатлар амалга оширилади. Россия империяси ҳукумати бу ишларни амалга ошириш учун 57 минг сўм ажратган эди [5]. Суғориш тизимини яхшилаш учун бир қанча мутахассислар таклиф этилади. Ана шундай улкан лойиҳани амалга оширганлардан бири ҳарбий инженер А.Г.Ананьевдир. Инженер А.Г. Ананьевнинг хизматлари туфайли дастлабки бу рус қароргоҳи уч йил давомида Афғонистон ва Бухоро амирлигининг асосий ҳарбий чегара шаҳар қароргоҳи сифатида барпо этилган [8].

А.Г. Ананьев Термизнинг суғориш тизими устида ишлаб, Шеробод беклигининг Термизгача тутаган ерларини суғориш тизими устида ҳам иزلанишлар олиб борди. Ҳарбий инженерлар Л. Пославский, Б.Н. Кастальский, Е. Ермолев ва А. Г. Ананьевларнинг маҳаллий аҳоли тили, маданиятини аъло даражада билиши натижасида Термиз ва унинг атрофида турли улкан имкониятлар вужудга келди. Кейинчалик рус ҳукумати томонидан бу ерга акционерлик корхоналарини қуриш масаласи ҳам кўзда тутила бошланган эди. Бунда асосан пахта экиш учун унмдор ерларни суғориш мақсадида ташкил этилган корхона –жамиятлар турган [1].

Паттакесар ҳудуди асосий кечув жойи сифатида аҳамиятлидир. У Самарқанддан Қобул ва Ҳиндистонга борадиган асосий кечув савдо йўлида туради. Бу жонланган савдо ҳаракати натижасида Ҳиндистоннинг кўпгина маҳсулотлари чой, дока, нил бўёғи, маржон кабилар бир йилда 0,5 млн рубль суммадан зиёд ҳажмда ташиб ўтилган. Паттакесар Шеробод беклигининг шимолий Афғонистоннинг муҳим савдо ва маъмурий маркази бўлган Мозори Шариф билан бевосита савдо-иқтисодий алоқалари учун муҳим аҳамият касб этган [4].

Термизда бўлган яна бир рус мутахассиси император географик жамияти вакили сайёҳ Р.Ю.Рожевица Амударё бўйида Паттакесарда қурилган Термиз табиий чегараси ҳақида маълумот бериб ўтган. Паттакесардаги бозор, унда сотилган моллар ва Арманистон, Эрон ва бошқа давлатлар савдогарлари ҳақида маълумот бериб ўтади. Шунингдек, сайёҳ Термизда 1906 йилда қудуқли ариқ қуриб битказилганлиги ҳақида ҳам маълумот бериб ўтган [9]. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Паттакесар Афғонистон билан савдо алоқалар яхши ривожланишида муҳим ўрин тугган. Чунки асосий божхона пости шу ерда жойлашган бўлиб келтирилган моллар шу ерда қадоқланган ва чегара пости орқали афғон савдогарларига етказилган[10].

Тарихдан маълумки, Сурхон воҳасидаги илк саноат корхонаси 1910 йилда барпо қилинган бўлиб, унинг ишлаш электр токига бўлган таъминот дастлаб 60 от кучига эга буг машинаси ёрдамида амалга оширилган бўлса, кейинчалик 50 от кучига эга бўлган дизель ёрдамида амалга оширилган. Термиз шаҳрининг ҳарбий бошлиғи подполковник Кричинский электр станцияси қуриш тўғрисида маҳаллий корхона эгаси Н.Ф.Неродецкийга буюртма берди ва шартнома имзолади.

1914-1917 йилларда маҳаллий корхона эгаси Н.Ф. Неродецкий билан Туркистон генералгубернатори ўртасида Паттакесар (ҳозирги Термиз)ни электрлаштириш тўғрисида шартнома имзоланиб, буюртма берилгунга қадар биринчи жаҳон уруши (1914-1918 йй) бошланиб кетди. Натижада Термиз шаҳрини «ёритиш даври» шу тариқа тўхтаб қолди.

1927 йилнинг 17 июлида Сурхондарё округи режа комиссияси қабул қилган 10-сонли қарорида Паттакесар, Термиз ва Шеробод шаҳрида электро-

станция қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу йилнинг 14 ноябрида эса Паттакесар электростанциясини кенгайтириш учун маҳаллий бюджетдан 75000 сўм пул ажратиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди. 1928 йилга келиб, Термиз шаҳрида биринчи марта 100 от кучига эга бўлган дизель ишга туширилди [11].

Хулоса. Паттакесар асосий савдо худуди эканлиги билан ажралиб турган ва нафақат Россия империяси балки совет даврида ҳам ўзининг муҳим стратегик ўрни билан муҳим аҳамият касб этган.

АДАБИЁТЛАР

1. Д.Н. Логофет. Орошение Термеза // Туркестанский сборник-Т. 497. - С. 172.
2. Д.Н.Логофет. Страна безправия. (Бухарское ханство и его современное состояние) - СПб., 1909. – С. 217.
3. Yangiboeva Dilnoza Uktamovna. (2020). The Effect Of The Russian Empire On The Political Life Of The Emirate Of Bukhara (1868-1917). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(10), 171-177.
4. Д. Н. Логофет Бухарское ханство под русским протекторатом России. Т.: И. - СПб., 1911. - С. 8
5. Туркестанский сборник. Т. 474. - С. 33.
6. Мирзаев З., Қобулов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. -Термиз:Жайхун, 1996. 8-9 бетлар
7. Д.Н.Логофет. На Границах Средней Азии Русско-Афганска граница книга II СПб., 1909. - с.202-203.
8. Туркестанский сборник. Т. 497.–С.125-126.
9. Рожевица Р.Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару в 1906 г.// Туркестанский сборник. Т. 504. -С.48.
10. “Туркестанский ведомости”. Т. 1910. №204 12 сентябр.
11. Sitora Boboeva Ruzimakhmatovna. (2020). Surkhandarya Region’s Electricity Lines. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(10), 165-170.



Ботиржон МАЛЛАБОЕВ,

*Наманган давлат университети катта ўқитувчиси,
тарих фанлари номзоди
E-mail: botirjon1974@mail.ru*

НамДУ доценти, т.ф.д. (PhD) Б. Р. Халмуратов тақризи асосида

ХІХ ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВАҚФ МУЛКЛАРИНИНГ АХВОЛИ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Мазкур мақолада XIX охири – XX аср бошларида Туркистонда вақф мулкларининг аҳволи ва ундаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Унда асосий эътибор, Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин ўлкада содир бўлган маъмурий-худудий ислохотлар ва уларнинг маҳаллий ер-мулкларга бўлган таъсирига қаратилган. Мақолада, шунингдек, мазкур даврдаги вақф мулклари тақсмоти, уларнинг Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти томонидан ўзлаштирилиши жараёнидаги адолатсизликларга доир архив манбалари батафсил ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Туркистон ўлкаси, вақф мулклари, солиқлар, мажбуриятлар, Россия империяси, эксплуатация, деҳқонлар, маҳкамалар, хонликлар, ҳарбий губернатор, Туркистон генерал-губернаторлиги, архив манбалари, солиқ ҳужжатлари.

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ И ИЗМЕНЕНИЙ ВАКФНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В ТУРКЕСТАНЕ В КОНЦЕ XIX И НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ

Аннотация

В статье анализируется состояние вакфной собственности в Туркестане в конце XIX - начале XX веков и изменения в нем. Основное внимание в нем уделяется административно-территориальным реформам, которые произошли в стране после завоевания Российской империей, и их влиянию на местную собственность. В статье также подробно описаны распределение вакфной собственности, архивные источники о несправедливости в процессе их присвоения администрацией Туркестанского генерал-губернаторства в данный период.

Ключевые слова: Туркестанский край, вакфная собственность, налоги, обязанности, Российская империя, эксплуатация, деҳкане, суды, ханства, военный губернатор, Туркестанское генерал-губернаторство, архивные источники, налоговые документы.

THE STATE OF WAQF PROPERTIES IN TURKISTAN IN THE LATE XIX AND EARLY XX CENTURIES AND THE ANALYSIS OF CHANGES IN THEM

Annotation

In this article the state of Waqf property in Turkistan in the late XIX - early XX centuries and changes in them are analyzed. It mainly focuses on the administrative-territorial reforms that took place in the country after the occupation by the Russian Empire and their impact on local land properties. In the article the archival sources on the distribution of waqf property in this period, the injustices in the process of their possession by the administration of the Governor-General of Turkistan are also described in detail.

Key words: Turkistan region, waqf property, taxes, obligations, Russian Empire, exploitation, peasants, courts, khanates, military governor, Governor-General of Turkistan, archival sources, tax documents.

Кириш. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳаққоний тарихимизни қайта юзага чиқиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Тарихимизнинг кам тадқиқ этилган жихатлари ҳамда очилмаган аста-секнлик билан халқимиз хотирасига чуқур кириб бормоқда. Бу хусусда муҳтарам Биринчи Президентимиз И. А. Каримовнинг “Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ” дея таъкидлаган сўзлари, бугунги кунда тарихимизнинг унутилган саҳифаларини қайта жонлантиришга бел боғлаган тарихчи олимлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, Туркистон ўлкаси қадимдан табиий-географик шароити, қўйлай иклими ва ҳосилдор замини билан атрофдагиларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Она диёримиз бир неча маротаба душманлар томонидан вайрон этилган. Халқимиз

ўнлаб-юзлаб марта тинч яратувчилик меҳнатини тўхтатиб, она-юрт озодлиги ва мустақиллиги учун курашга отланган. Туркистоннинг тақдири ғоят машаққатли кечди. Рўй берган вайронагарчиликлардан ақл-бовар қилмас даражада моддий ва маънавий зарар кўрилди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ҳозирга қадар Ўзбекистонда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида вақф мулклари алоҳида тадқиқот объекти сифатида кам ўрганилган. Мана шу кам бўлса-да, илмий изланишлар натижасида вақф мулкларининг фаолиятининг ҳуқуқий асослари, вақф тушунчаси, садр ва мутаваллиларнинг этикаси, жамият ижтимоий ва диний ҳаётида тугган ўрнига доир бир қатор янги маълумотлар юзага келди.

Тадқиқот методологияси. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари

асосида ёритилган. Чунончи, Туркистонда вақф мулкларининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги ҳолати ва унинг ҳудудий хусусиятлари ҳақида Ф. Бакиров, Т. Мадумаров ва С. Болтабовларнинг асарларида қимматли маълумотлар келтирилган [2].

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, 1867 йилдан ўлкамиз ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган бўлиб, мазкур маъмурият 1907 йилдан бошлаб, вақф мулкларини ва уларнинг даромадларини тортиб олишнинг янги Низомини ишлаб чиқарган эдики, бу эса аввалгилардан ҳам ўтиб тушарди. Гарчи, ушбу лойиҳа Туркистон ўлкасида ҳали амалда қўлланилмаган бўлса-да, Қримда вақф маҳкамалари ва улар вақф мулкларига нисбатан қўлланилган бўлиб, бу яхши натижа берган эди. Шунинг учун ҳам Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ушбу қонун лойиҳаси вақф маҳкамалари талаблари ва шариат қонун-қоидаларига зид бўлишига қарамай, уни қабул қилишга ҳаракат қилмоқда эди.

Энди мустамлакачиларнинг мана шундай кейинги ўтган вақт ичидаги олиб борётган сиёсатига эътибор берадиган бўлсак, улар ўзларининг аввалги сиёсатини кейинги йилларда ҳам 1909 йилга қадар шу тарзда давом эттирди. Жумладан, 1909 йилга келиб, Жиззах шаҳрида камбағаллар учун таъсис этилган вақф мулки ҳам тортиб олинган эди [3]. Бунинг сабаби эса мазкур вақф ҳужжатини қайта тузилганлиги ва ушбу ерларда аҳолининг яшаётганлиги билан боғлиқ эди.

Булар билан чекланмаган мустамлакачилар 1910 йиллардан бошлаб кўпчилик вақф маҳкамаларига тегишли бўлган маблағларни ҳам бермай қўйганди. Ушбу фикримизнинг далили сифатида Наманган вилояти Чодак қишлоғидаги муқаддас Исмоилота ва Андижон шаҳри Шарифбой мавзесидаги вақф мулкларини келтириш мумкин [4]. Албатта, ушбу тадбирларни мустамлакачилар маҳаллий бойларини талон-тарож қилиш мақсадида амалга ошираётган эди.

1912 йилнинг 23 майида Туркистон генерал-губернаторлигининг вақф масаласи юзасидан ўтказган мажлисида барча вилоятларнинг ҳарбий губернаторлари қуйидаги фикрни билдирган эди.

1. Ҳозирги вақтда ўлкадаги вақф маҳкамалари давлат учун хавфли эмас, шунинг учун ҳам уларнинг мулкларини доимий равишда назорат қилиш шарт эмас.

2. Вақф муассасаларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи ўлка ёки вилоят марказларини ташкил этишнинг зарурияти йўқ.

3. Вилоят бошқармалари томонидан 1886 йилдаги ўлкани бошқариш тўғрисидаги “Низом”нинг 267-моддага кўра, вақф маҳкамаларининг назорат қилишни маблағ йўқлиги сабабли амалга оширишнинг иложи йўқ. Шу билан бирга вақф даромадлари ҳозирга келиб талон-тарож қилинаётганлиги сабабли уларни назорат қилиш ҳам шарт эмас.

4. Шариат асосида иш қўрувчи кози судларига ва мутаввалларга вақф мулкларини шариат асосида бошқариш имконини бериш керак, бизлар эса фақат назорат қилиб турмоғимиз лозим.

5. Янги вақф маҳкамаларини ташкил этиш ва солиқ масаласида уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаслиги керак, – дейилган эди [5].

Лекин, Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти вилоятлардаги ҳарбий губернаторлар томонидан шундай тақлифлар киритилганига қарамай,

ўз сиёсатини аввалги тарзда давом эттирди. 1916 йилда Фарғона вилояти бошқармасига ёзилган шикоятномада келтирилишича, “Подшо Искандар Кўҳна” мадрасасига тегишли бўлган 100 десятина вақф ерини дворянка Мария Федоровна Бушинскаяга сотишга рухсат берилиши сўралган. Бунга эса розилик билдириш билан бирга ҳар бир десятина ердан 50 тийин тўланиши уқтирилган. Шундай қилиб ушбу мадрасанинг 100 десятина ери сотилган [6].

1915 йилда мадрасага тегишли бўлган вақф ерларидан икки хисса ортиқ микдорда солиқ олинган бўлиб, ушбу қиймат 1386 сўм 78 тийинни ташкил этган бўлса, Земство мажбуриятлари 232 сўм 28 тийин ва бунга қўшимча тарзда 138 сўм 68 тийин ҳарбий солиқ, шунингдек, 218 сўм 42 тийин жамоа солиғи ҳам тўланган эди. Албатта, бундан кўриниб турибдики, мустамлакачилар томонидан вақф маҳкамалари ишларига аралашув, уларнинг даромадларини ўз вақтида бермаслик ҳамда солиқларнинг ҳаддан ташқари орттириб юборилганлиги натижасида уларнинг аҳволи ёмонлашиб бораётган эди.

Босқинчилар ўзларининг ушбу мақсадларига тўла бўлмаса-да, эришдилар, яъни вақф мулкларининг кўпчилик қисми аҳолининг хусусий мулки, деб эълон қилинди. Орадан йиллар ўтиши билан аҳолининг маълум қисми ҳам шу ерларни ўзларининг хусусий мулки деб эътироф эта бошлади. Албатта, бунинг биринчи сабаби, мазкур ерларни мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтаётганлиги бўлса, иккинчи ва асосий сабаби босқинчилар томонидан солиқларни ҳаддан ташқари орттириб юборилганлиги натижасида маҳаллий аҳоли турмуш тарзининг оғирлашгани эди.

Лекин, мустамлакачилар вақф маҳкамаларини тўлалигича бўйсундира олмадилар. Уларнинг мадрасаларда рус тилини ўқитиш ва бу масканларни аста-секинлик билан катталар учун мўлжалланган рус-тузем мактабларига айлантиришга ҳаракат қилиши ҳам ҳеч қандай натижа бермади ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, маҳаллий халқ буни хоҳламади. Шунинг учун ҳам вақф маҳкамалари 1917 йилга қадар ва ундан кейин ҳам сақланиб қолди ҳамда ислом дини вакиллари раҳбарлигида босқинчиларнинг маҳаллий халқни руслаштириш, илм-фан масканларини тугатиш сиёсатига қарши турди.

Албатта, ўша вақтларда вақф маҳкамаларининг мулклари фақат катта-катта ерлардан иборат бўлибгина қолмай, балки карвонсарой, ҳаммом, савдо расталари ва бошқа мулкларни ҳам ташкил этарди. Шундай бўлса, мазкур мулкларнинг кейинги тақдири нима бўлди? Уларда ишлаётган деҳқонларникичи? Албатта, вақф маҳкамалари бевосита ушбу мол-мулклардан даромад олмаслиги сабабли турли хилдаги шартлар билан уни ижарага берган эди. Лекин, ижарачининг мазкур мулкка эгалик қилиб олмаслиги учун уни узоқ муддатга ижарага бериш таъқиқланган. Бу билан биринчидан, ижарачининг вақф мулкларининг эгалик қилиб олиши чекланган бўлса, иккинчидан мансабдор шахсларнинг ўз хизмат лавозимидан фойдаланиб вақф мулкни эгаллаб олишларига йўл қўйилмаган. Бу эса, ўз навбатида, ушбу мулкни талон-тарож қилинишидан сақлаган, ҳамда вақф маҳкамалари яъни мактаб, қорихона ва мадрасаларни иқтисодий жиҳатдан таъминлаб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Бу ерда шуни қайд этишга тўғри келадик, вақф ерида яшовчи аҳоли 1894 йилнинг 9 июнидан бошлаб

Земство солиғини ҳам тўлаётган эди. Демак, деҳқонлар ҳам давлатга, ҳам вақф маҳкамаларига солиқ тўлаётган эди. Лекин, Россия империяси томонидан бундай тадбирларни амалга оширилишига қарамасдан, юқорида кўрсатилганидек, аҳоли вақф маҳкамаларининг мулкларини ўзининг шахсий мулки тариқасида эътироф этиш ҳамда мазкур ерларда деҳқончилик қилишни хоҳламас эди. Шунинг учун ҳам 1899 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти аҳоли томонидан эътироф этилмаган, яъни вақф маҳкамаларининг мулкларини нима қилиш керак, деган масалани кўриб чиқади ва ушбу мулкларни давлат фойдасига олиш тўғрисида буйруқ берган эди [7].

Бунинг натижасида кўпчилик вақф маҳкамаларининг ер, карвонсарой, ҳаммом ва тегирмон каби мол-мулкларини давлатнинг мулки деб эълон қилинади. Бу эса, албатта, вақф эгалари ва бошқа ижарачи деҳқонларнинг яна ҳам оғир аҳволга солиб қўяди. Бу ерда яна шуни ҳам қайд этиш керакки, вақф маҳкамаларининг мулкларини эндиликда мустамлакачиларга маъмул келган кимсаларгина ижарага берилаётган эди.

1903 йилнинг 27 январда марғилонлик Исоқжон Абдуллажоновнинг ижарачилар номидан ёзган шикоят хатида таъкидланишича, шу вақтга қадар улар ижарага олиб келган 6 та савдо растаси 1903 йилга келиб, Бентовский деган кимсага олиб берилган эди [8]. Юқоридаги шикоят хатига берилган жавобда кўрсатилишича, Бентовский “ким ошди” савдосида ушбу расталар учун ҳаммадан кўп, яъни 601 сўм беришга рози бўлганлиги, бу эса унинг бошқа савдо шахобчаларидан олинадиган фойдани кўшиб ҳисоблаганда, давлатга 6690 сўм даромад келтиради, 1902 йилда улардан бор-йўғи 5330 сўм фойда олинган, деб жавоб берилган. Энди, мана шу ерда ўз-ўзидан савол туғилади. Хўш, вақф мулкларини Россия империяси томонидан бошқарилар берилар экан, у қандай шартлар билан ва неча йил муддатга ижарага берилар эди? Албатта, бунинг учун ҳам мустамлакачилар бир қатор қонун ва шартномалар ишлаб чиққан бўлиб, булар қуйидагилардан иборат эди:

1. Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган “ким ошди” савдосида қатнашиш учун ижарачининг ёзма равишдаги аризаси бўлиши зарур.

2. Ижарага олинаётган мулкнинг нимадан иборат эканлиги ва унинг жойлашган ўрни ҳамда неча йил муддатга ижарага олинishi кўрсатилиши керак.

3. Ижарага мазкур мулкнинг кафолати сифатида пул, кимматли қоғоз ёки кўчмас мулкларни гаровга қўйиши керак.

4. Агарда ижарага олинган мулк, яъни карвонсарой, ҳаммом ва савдо растаси эски бўлса,

бунинг ўрнига янгисини ҳукумат томонидан тасдиқланган режага биноан қуриши зарур. Бунда эски қурилиш материаллари ишлатилмаслиги керак.

5. Ижарачи вафот этган тақдирда, унинг мол-мулкларига эга бўлган меросхўр ижарага олинган мулкларга ҳам жавоб беради. Тузилган шартноманинг ҳақиқий нусхаси уезд бошқармаси бошлиғида сақланади, унинг нусхаси эса ижарачида бўлади [9].

Албатта, бундай шартномалар Россия империяси томонидан ҳар бир ижарага берилаётган мулк учун алоҳида ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур мулкнинг қиймати ва унинг жойлашган ўрни алоҳида эътиборга олинган. Тарихий ҳужжатларнинг далолати беришича, мустамлакачилар томонидан мазкур мулклар дастлаб 12 йил муддатга ижарага берилган, лекин орадан бир оз вақт ўтгандан кейин мазкур мулклар қайтариб олинган ва қайтадан фақат 3 йил муддатга ижарага берилган. Албатта, мустамлакачилар томонидан мулкларни бундай тарзда ижарага берилиши натижасида вақф эгалари ва бошқа ижарачиларнинг турмуш тарзи кундан-кунга қийинлашиб борди.

Шундай қилиб, вақф эгалари ва бошқа ижарачиларнинг аҳволи масаласига яқун ясайдиган бўлса, босқинчиликнинг дастлабки кунларидан бошлаб асосан, харбийлардан ташкил топган Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти мазкур ўлка бойликларини талон-тарож қилиш, унинг халқларини эса қул қилиш сиёсатини амалга ошира бошлади. Шунинг учун ҳам дастлабки кунлардан бошлаб вақф эгалари ва бошқа ижарачиларни вақф маҳкамалари таъсиридан чиқариб олишга қатта эътибор берилди. Бунинг учун эса мазкур мулкларни яъни карвонсарой, ҳаммом, карвонсарой, ҳаммом, тегирмон ва савдо-расталарининг ҳужжатларини узоқ вақт давомида кўриб чиқилмади. Ерларни эса ҳукумат томонидан ижарага бериладиган бўлди ва бундай тарзда сиёсат юритиш 1917 йилга қадар давом этди.

Хулоса ва тақлифлар. Туркистон ўлкасини хом-ашё манбаига айлантириш, ўлка бойликларини талон-тарож қилиш, халқларини эса қул қилиш мақсадида бўлганлиги учун ҳам аввало бу ердаги илм-фан масканларини йўқотишга ҳаракат қилинаётганди. Шунинг учун ҳам Россия империяси ҳукмронлиги даврида нафақат янги мадрасалар қурилди, балки мавжуд бўлганлари ҳам аста-секинлик билан йўқотиб борилди. Шундай қилиб, Туркистон ўлкасидаги вақф мулкларининг аҳволи масаласига яқун ясайдиган бўлса, мустамлакачилар томонидан мазкур ўлка истило қилиниб, ўзининг хом-ашё етказиб берувчи манбасига айлантиргандан кейин вақф маҳкамаларининг аҳволи тубдан ўзгарди.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 14.
2. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1974. – 102 б.; Болтабоев С. Д. Туркистонда вақф мулкларининг аҳволи. – Наманган, 2009; Мадумаров Т. Қўқон хонлигида ҳуқуқ манбалари / Фарғона водийси янги тадқиқотларда. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Андижон, 2015. – Б. 145–148.
3. ЎзР МДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 1458-иш, 5-варақ.
4. ЎзР МДА: 1-фонд, 12-рўйхат, 1831-иш, 21-варақ.
5. ЎзР МДА: 1-фонд, 27-рўйхат, 1709-иш, 159-варақ.
6. ЎзР МДА: 23-фонд, 1-рўйхат, 12506-иш, 30-варақ.
7. ЎзР МДА: 1-фонд, 27-рўйхат, 1662-иш, 9-варақ.
8. ЎзР МДА: 19-фонд, 1-рўйхат, 35877-иш, 28-варақ.



УДК: 159.9(575.1)

Erkinjon MAHMUDOV,
Farg'ona davlat universiteti jahon tarixi kafedrasida o'qituvchisi
erkinjonmakhmudov@gmail.com

FarDU dotsenti, t.f.n. R.A. Arslonzoda taqrizi asosida

BUKHARA EDUCATION AND ISMAIL GASPIRINSKY

Abstract

In the Bukhara Emirate in the late 19th and early 20th centuries, attempts were made to cover the activities of schools and madrasas, their teaching system, financial support on the basis of an analysis of the relevant references. During the period under study, the old models of teaching in Bukhara madrasas lagged behind the scientific and technological achievements in the education system of advanced countries. In the last quarter of the 19th century, the Bukhara Emirate began to develop progressive ideas on the implementation of reforms in the socio-economic and cultural spheres, including the education system. Ismail Gaspirinsky, his ideas on the new methodological schools, teaching methods, their introduction into the educational system of Bukhara madrasas were reflected in the study.

Key words: schools and madrasas, “adno”, “avrot”, waqf property, method jadid, jadid schools, rus-tuzem schools, “Tarjimon” newspaper, reform.

БУХАРСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ИСМАИЛ ГАСПИРИНСКИЙ

Аннотация

В Бухарском эмирате в конце 19 – начале 20 вв. Предпринимались попытки осветить деятельность школ и медресе, их систему обучения, финансовую поддержку на основе анализа соответствующих ссылок. В исследуемый период старые модели обучения в медресе Бухары отставали от научно-технических достижений в системе образования передовых стран. В последней четверти XIX века Бухарский эмират начал развивать прогрессивные идеи по осуществлению реформ в социально-экономической и культурной сферах, в том числе в системе образования. В исследовании нашли отражение Исмаил Гаспиринский, его идеи о новых методических школах, методах преподавания, их внедрении в образовательную систему медресе Бухары.

Ключевые слова: школы и медресе, «адно», «аврот», вакфная собственность, метод джадид, школы джадидов, школы рус-тузем, газета «Тарджимон», реформа.

BUXORO TA'LIMI VA ISMOIL GASPIRINSKIY

Annotatsiya

Buxoro amirligida XIX asrning oxiri – XX asrning boshlarida ham maktab va madrasalar faoliyati, ularda o'qitish tizimi, moddiy ta'minoti to'g'risida ma'lumotlar mavzuga oid adabiyotlar tahlili asosida yoritishga harakat qilingan. O'rganilayotgan davrda Buxoro madrasalarida o'qitish uslubining eski andozalari ilg'or mamlakatlar ta'lim tizimidagi fan-texnika yutuqlaridan orqada qoldi. XIX asrning so'nggi choragida Buxoro amirligida ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy sohada, shu jumladan, ta'lim tizimida islohotlarni amalga oshirish xususida ilg'or fikrlar ham paydo bo'la boshladi. Ismoil Gaspirinskiy, uning yangi usul maktablari, o'quv uslublari, ularni Buxoro madrasalarining o'qitish tizimiga olib kirish va joriy etish to'g'risidagi fikrlari tadqiqotda o'z ifodasini topgan.

Kalit so'zlar: maktab va madrasalar, adno, avrod, vaqf mulklari, usuli jadid, jadid maktablari, rus-tuzem maktablari, “Tarjimon” gazetasi, islohot.

Kirish. Buxoro o'lkasi qadimdan ilm-fan va madaniyat o'chog'i bo'lib kelgan. Bu hududdan ko'plab yetuk olimlar, madaniyat, ta'lim-tarbiya namoyondalari yetishib chiqqanligi tariximizdan ma'lum.

Buxoro ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy hayotida maktab va madrasalarning o'rni va roli juda katta bo'lgan. XIX asrning oxirlariga kelib dunyo miqyosida ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma'daniy sohalarida sodir bo'lgan o'zgarishlar Turkiston o'lkasi, shu jumladan Buxoro amirligidagi ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarga ham o'z ta'sirini ko'rsata boshladi. Ilg'or Yevropa mamlakatlariidagi ishlab chiqarish munosabatlarining rivojlanishi, ilm-fan va madaniyat sohasidagi yangi yutuqlar, yangi qarashlar shu mamlakatlar ta'lim tizimida ham yangi islohotlarning amalga oshirilishiga olib keldi. Ilg'or bu yutuq va islohotlarning Buxoroda mavjud bo'lgan maktab va madrasalar faoliyatiga olib kirish dolzarb masalalardan

biriga aylandi. Asosan, Islom ta'limoti g'oyalari asosida faoliyat olib borayotgan Buxoro maktab va madrasalari ta'lim tizimini isloh qilish, bu muassasalarga ilg'or dunyoviy fanlarning o'qitishni olib kirish, o'z davrida bu o'lkani rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin olishi omillaridan biri ekanligini tushunib yetgan yetuk ziyolilar shakllandi. Ana shunday shaxslardan biri Ismoil Gaspirinskiy hisoblanadi. Buxoro ta'lim tizimi, unga olib kirilishi zarur bo'lgan islohotlarni Gaspirinskiy qarashlarida ifoda etilishi O'zbekistonda ham bugungi kun ta'lim sohasida amalga oshirilayotga islohotlarida ham o'z ifodasini topganliginiligi ko'rish mumkin. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyevning quyidagi fikrlari “... ilm-fan va ta'lim-tarbiya sohasining moddiy-texnik bazasini yanda mustahkamlash, uning nafaqat davr bilan hamohang bo'lishini, balki zamondan oldinda yurishini ta'minlash, pedagog kadrlarni tayyorlash va qayta

tayyorlashning ilg'or usullarida keng foydalanish, bu ishlarni xorijdagi nufuzli markazlar bilan hamkorlikda olib borish, sohaga zamonaviy texnologiyalarni joriy etish... uchun davlatimiz tomonidan barcha imkoniyatlar safarbar etiladi,"[1] degan so'zlari tasdiqlaydi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Mavzuga oid XIX asr oxiri-XX asr boshlaridagi manba va adabiyotlar tahliliga to'xtaladigan bo'lsak, o'sha davrda yashab o'tgan Buxoro amirligi ijtimoiy-siyosiy hayotida katta rol o'ynagan Ahmad Donish, Sadridin Ayniy asarlariga murojaat etishimizga to'g'ri keladi [2].

Shuningdek, Ismoil Gaspirinskiy muharrirligi ostida nashrdan chiqqan "Tarjimon" gazetasidagi Buxoro tarixiga oid maqolalar chop etilgan ko'rishimiz mumkin. Bu materiallarda mavzuga oid fikrlar ham ilgari surilgan [2; 3].

O'sha davrda Turkiston o'lkasi ma'muriy ta'lim tizimida faoliyat ko'rsatgan amaldorlar N.P. Ostrumov, F.M. Kerenskiy, V.P. Nalivkinlarning asarlarida shu davr ta'lim tizimi bila bog'liq ma'lumotlar uchraydi [3].

Turkiston general-gubernatorligi ta'lim tizimi ma'muriyatida faoliyat olib borgan bu amaldorlar asarlarida chor hukumatining mustamlakachilik siyosati g'oyalari sezilib turadi. Ularning asarlarida musulmon maktab va madrasalari faoliyatiga salbiy baho berishga harakat qilingan.

O'zbekiston Mustaqillikka erishgandan so'ng, tarixiy haqiqatni tiklash davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Mustaqillik yillarida Turkiston o'lkasi musulmon o'quv yurtlari faoliyatiga oid tarixchi olimlar I. Alimov, B. Rasulov, G. Solijonova, D. Ismoilovalarni ilmiy tadqiqot ishlarida ham o'z aksini topgan [5]

Turkistondagi bu davrdagi ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma'daniy hayot masalalariga Ismoil Gaspirinskiy qarashlari, musulmon ta'lim tizimini isloh qilish javhasidagi harakatlar Z. Abdurashidov, B. Qosimov, U. Dolimov, N. Karimov kabi Gaspirinskiyshunos olimlarning ilmiy tadqiqot ishlari va asarlarida ham o'z ifodasini topgan [5].

Tadqiqot metodologiyasi. Buxoro hududida an'anaviy ta'lim tizimida quyi va yuqori bosqichdan iborat maktab va madrasalar faoliyat yuritib kelganligi va mazkur ta'lim tizimi Buxoro amirligining XIX asrning so'nggi choragi XX asr boshlarida ham davom etganligini ko'rish mumkin. Bu davrdagi Buxoro amirligi madrasalariga boshlang'ich ta'lim maskanlari hisoblangan maktablarni tugatgan 10 yoshdan 40 yoshgacha bo'lgan savodxon shaxslar o'qishga qabul qilingan. Madrasalarda ta'lim olish 3 bosqichdan, ya'ni, boshlang'ich (adno), o'rta (avrot), yuqori (a'lo) dan iborat bo'lgan. Mashg'ulotlar quyosh chiqishi bilan boshlanib (Bamdod nomozidan keyin), haftada 4 kun qilib belgilangan. Talabalar qaysi kitobning o'qiyotganiga qarab jamoa guruhlariga ajratilgan, katta madrasalarda har bir guruhda 5-10 nafardan 20 nafargacha talaba tahsil olgan. Mashg'ulotlar mudarrislar tomonidan olib borilgan, o'qitilayotgan kitobning avvalgi darsda to'xtagan joyi ochilib, yangi dars boshlangan. Jamoa sardori – qoriboshi o'rganilayotgan kitobni navbatdagi qismini ovoz chiqarib o'qigan, o'qib borish barobarida mudarris uning talaffuzini to'g'rilab borgan. Ba'zi hollarda yangi mavzuni tushuntirishda mudarris munozara usulidan ham foydalangan. Madrasalarda talabalar eng avval arab tilini o'rganishgan. Ushbu ta'lim muassasalarida o'tiladigan ilmlar: arab tili grammatikasi, ilohiyot va qonunshunoslik, falsafa fanlaridan iborat bo'lgan.

Arab tili grammatikasiga: sarfi (morfoloqiya), nahvi (sintaksis), arabcha notiqlik, arab tarixi, Qur'onni o'qish ilmi va ilmiy munozaralar madaniyati;

Ilohiyot va qonunshunoslikka: Qur'on tafsiri, hadis, fiqh, diniy aqidalar, meros taqsimoti haqida ta'limot (faroiz), qonunshunoslik asoslari;

Falsafaga: mantiq, riyoziyot, jug'rofiya, astronomiya, tibbiyot, kimyo va tabiiy fanlar kirgan [2].

Buxoro amirligidagi maktab va madrasalarning moddiy ta'minoti bir necha yuz minglab tanobdan iborat bo'lgan vaqf mulklari hisobidan amalga oshirilgan. Amirligidagi bu davrdagi madrasalar soni turli manbalarda turlicha talqin etiladi. XIX asrda Buxoroda tarixchi olim G.Hidoyatovning ta'kidlashicha, 60 ta madrasa mavjud bo'lgan deb ko'rsatadi [3], tarixchi olim Q. Rajabovning fikriga ko'ra, butun Buxoro o'lkasida 450 chog'li madrasa bo'lib, ularning 400 tasi eski Buxoroda, 2tasi Karmanada, 2tasi Eski Chorjo'yda, 4tasi Qarshida, undan qolganlari boshqa shaharlarda bo'lgan [3], M. Jabborov va R. Arslonzodalarning bergan ma'lumotlariga ko'ra, XIX asrning oxirlariga kelib, Turkistonda mavjud bo'lgan, 322 ta madrasadan 192 tasi Farg'ona viloyatida faoliyat olib borgan. Madrasani tugatgan shaxslar qozi, imom, maktablarda domlalik kabi lavozimlarni egallagan. Ilmga ishtiyoqi kuchli bo'lgan talabalar O'rta Osiyoda eng nufuzli hisoblangan Buxoro madrasalarida tahsilni davom ettirishlari mumkin bo'lgan [4]. Bu mualliflarning fikrlariga ko'ra, Farg'onadagi maktab va madrasalar, ularning faoliyati, daromad mulklari ustidan Chor Rossiyasi ma'murlarining nazorati kuchaygan bo'lishiga qaramay, ularning soni kamaymadi, aksincha, 1917-yilga qadar muttasil ortib bordi. Bunday holat Buxoro amirligida ham kuzatilgan bo'lishi mumkin. Shu nuqtai nazardan, Buxoroda madrasalarida ham ularning soni muttasil ortib borganligini ko'rish mumkin.

XIX asrning 2-yarmidan boshlab Buxoro madrasalarida o'qitish uslubining eski andozalari ilg'or Yevropa mamlakatlari fan yutuqlarining joriy etilmaganligi bu madrasalarning davr ruhiga mos kelmay qolishi, madrasa ta'limi kutilgan natijani bermay, taraqqiyotdan ortda qola boshladi. Buxoro amirligi Rossiya imperiyasiga yarim qaram bo'lib turgan bu tarixiy davrda milliy o'zlikni anglash, ilg'or fan va texnika yutuqlaridan foydalanish g'oyalari paydo bo'la boshladi.

Buxoro amirligida ijtimoiy-siyosiy, madaniy sohada, shu jumladan ta'lim tizimida islohotlarni amalga oshirish xususidagi ilg'or fikrlar paydo bo'la boshlandi. Bunday g'oyalar XIX asrning so'nggi choragida ma'rifatparvar olim va siyosatchi Ahmad Donish qarashlarida o'z ifodasini topdi. Biroq uning ta'lim tizimi sohasidagi ilg'or g'oyalari Buxoro yuqori hukmron doiralari qarshiligiga uchradi va keng jamoatchilik orasida o'z tarafdorlarini topa olmadi. Ahmad Donishning ta'lim sohasidagi fikrlariga ko'ra maktab va madrasalarda fanlar, ularni o'qitish usullari tubdan yangilanishi kerak, ya'ni, ta'lim tizimida dunyoviy fanlar yanada kengroq o'rganilmasa, zamonaviy fan va texnikaga doir yangiliklar o'zlashtirilmasa, davlat va jamiyat qoloqlik darajasidan chiqq olmaydi [5]. Uning bu fikrlari bugungi kundagi respublikamizning davlat ta'lim dasturida barkamol avlod tarbiyasi bilan bog'liq bo'lgan o'ta muhim va jiddiy vazifalarimizning mazmun-mohiyati bilan hamohang ekanligi e'tiborga loyiq.

Buxoroda ma'rifatparvarlik g'oyalarining tarqalishida "Tarjimon" gazetasining ta'sischi, "jadidchilikning g'oyaviy otasi" Ismoilbek Gaspirinskiy (1851-1914) ning

xizmatlari katta bo'ldi. Uning "usuli savtiya" metodini Buxoro maktablarida ham joriy etish, usuli eskirib qolgan quruq yod olishdan iborat bo'lgan usuldan voz kechish, o'quvchilar savodini tez chiqarishga mo'ljallangan bu metodni afzallik tomonlarini keng jamoatchilikka tushuntirish masalalarini ilgari surdi.

Ismoilbek Gaspirinskiy 1881-yil bosmadan chiqargan "Rusiya musulmonligi" asaridayoq Rossiya imperiyasi tasarrufidagi turkiy xalqlar, shu jumladan, Turkiston xalqlari ta'lim-tarbiya tizimini tubdan isloh qilish fikrlarini ilgari surgan edi [6]. Ismoilbek Gaspirinskiyning bu asaridagi ilgari surgan ona tili va maorif, ta'lim-tarbiya haqidagi fikrlari "Tarjimon" gazetasida chop etilgan maqolalarda o'z aksini topadi. Bu gazetaning birinchi soni 1883-yil 10-aprelda dunyo yuzini ko'radi. Ismoilbek Gaspirinskiy bu gazetaga shu yildan to umrining oxirigacha, ya'ni, 1914-yilgacha muharrirlik qiladi. "Rusiya musulmonligi" asarida ilgari surgan g'oyalari amalga oshirish uchun Bog'chasaroydagi "Zanjirli" madrasasini yangi uslubda o'qitiladigan oliy madrasaga aylantiradi.

1882-1893-yillarda Rossiyaning markaziy shaharlari bo'ylab safar uyushtirgan Amir Abdulahadxon Bog'chasaroy shahrida Ismoilbek Gaspirinskiy bilan uchrashadi. Uchrashuv chog'ida Gaspirinskiy yangi usul maktablarining afzalligi to'g'risida amirga batafsil ma'lumot beradi va bunday maktablarni ochish zamon talabi ekanligini ta'kidlaydi [7].

1893-yilda Ismoilbek Gaspirinskiy birinchi marta Turkistonga keladi. Safar chog'ida Buxoroda ham bo'ladi. Buxoro madrasalarining o'qitish tizimiga yangi uslublarni olib kirish va joriy etish fikrlarini ilgari suradi. Uning fikriga ko'ra, Turkiston musulmon madrasalarining, shu jumladan, Buxoro yirik madrasalarining ta'lim tizimini zamon ruhiga moslash, unda geografiya, tarix, tabiiy fanlar, arifmetika, pedagogika asoslari, rus qonunchiligi kabi fanlarning o'qitilishini ilgari suradi. Bu bilim dargohlarida universitet yoki Lazarev nomidagi Sharq tillari institutini bitirganlar dars olib borishi kerakligi, bu qayta tiklangan madrasalarda "oliy" yoki "birinchi" darajali madrasa maqomini berish masalasini taklif etadi. Johil, nodon, mutaassib mudarrislar o'rmini taraqqiyparvar ruhoniylar, bilimdon ulamolalar, o'z ishiga mohir pedagoglar egallashi mumkinligi ta'kidlaydi [8].

Ma'rifatparvar Ismoil Gaspirinskiy Buxoro maktablarida islohotlarni amalga oshirib, rus tilini mahalliy o'qituvchilar tomonidan o'qitilishini taklif qiladi, bundan ko'zlangan maqsad Turkiston xalqlarini siyosiy huquqlarini himoya qila oladigan ma'rifatparvarlar yetishtirish hamda Turkistonning Yevropa mamlakatlari bilan ma'daniy aloqalarini yanada kuchaytirishda ularning o'rni va rolini hisobga olgan edi. Chunki uni Chor Rossiyasi ma'murlari tomonidan tashkil etilgan rus-tuzum maktablaridagi o'qitish rus shovinizmi ruhida olib borilayotganligi jiddiy tashvishga soladi.

1883-yilda Toshkentda o'tgan Turkiston o'lkasidagi rus o'quv yurtlari muallimlarining 1-qurultoyida Sattorxon Abdug'afforov xuddi shunga o'xshash taklif bilan chiqadi, ammo uning taklifi missionerlarning qattiq qarshiligiga uchraydi [9].

Tahlil va natijalar. Ismoilbek Gaspirinskiyning fikriga ko'ra, millatning o'zligini ko'rsatadigan xususiyatlaridan biri til va maorifdir. Bu ikkisi bo'lmasa, millat mustaqil bo'la olmaydi. Til millatning jonli harakatidagi tarixidir. Uning kechmishi ham, hoziri ham tilda ifoda etiladi. 1907-yilda Rossiya davlat maorif inspeksiyasi mamlakatdagi musulmonlarning o'z ona tillarida o'quv-

yozuvni olib borishligi mumkinligi haqida qaror qabul qiladi. Biroq bu mahsus qaror musulmon bolalarini o'z ona tilida o'qitishni faqat mahalliy shevada olib borish zarurligini uqtiradi. Ismoilbek Gaspirinskiy bu qarorni mutlaqo noto'g'ri deb hisoblaydi. Uning fikriga ko'ra, Turkistonda ochilgan rus va rus-tuzem maktablari o'lik tug'ilgan muassasaga o'xshaydi. Uni bitirgan bolalar rus hayotining tashqi ko'rinishlarinigina egallab, o'z millatining eng yaxshi an'alarini, urf-odatlarini, tarixini butunlay yo'qotgan ma'rifat va taraqqiyotga tish-tirnog'i bilan qarshi kurashayotgan razil kishilardir [10].

Ismoilbek Gaspirinskiy 1891-yilda Turkiston general-gubertatori A. V. Vrevskiyga o'lkadagi maktab madrasalarni tubdan isloh qilishga qaratilgan maktubi bilan murojat qiladi. Ushbu maktubida mahalliy maktab o'qitish tartib-qoidalarini soddalashtirish, islohot o'tkazish orqali oliy madrasa tashkil qilib, mahalliy millat farzandlaridan o'qituvchilar tayorlash kerakligini ta'kidlaydi. O'z navbatida general-gubernator maktubni o'rganib, bu maktubdagi fikrlarga takliflar berishlari uchun mashhur missioner I. I. Ilinskiyning shogirdlaridan hisoblangan Toshkent o'qituvchilari seminariyasi direktori N. P. Ostraurov va o'lka bo'yicha mutahassis V. P. Nalivkinlarga topshiradi.

Maktubni o'qib-o'rgangan N. P. Ostraurov general-gubernatorga maktub yo'llaydi. U o'z maktubida quyidagi fikrlarni beradi: "Mazkur xat bilan tanishib janob Gaspirinskiy jur'atiga hayron qoldim. Zero, Rossiya chet o'lkasi – Turkistonga mutlaqo aloqasi bo'lmagan janob Gaspirinskiyning bunday muhim, rus davlatchiligi ma'nosida ahamiyatga molik masalaning... noma'lum shaxs tomonidan muhokama qilinishi yo'l qo'yib bo'lmaydigan ishdir" [16].

N. P. Ostraurovning maslakdoshi V. P. Nalivkin ham uning fikrlarini qo'llab-quvvatlaydi. General-gubernator N. P. Ostraurov va V. P. Nalivkinlarni bergan fikrlariga tayangan holda, Gaspirinskiyga rad javobini beradi.

Ismoil Gaspirinskiy 1908-yili Turkistonga ikkinchi marta keladi. Safar davomida Buxoroda ham bo'lib, bu yerdagi mahalliy aholining turli tabaqalari bilan uchrashib, usuli jadid maktablarini tashkil etish to'g'risida so'z yuritadi. 1908-yil oktabrda Buxoro shahridagi Sallohona darvozasi guzarida Mirzo Abdulvohid Munzim uyida birinchi marta jadid maktabi tashkil etiladi [17].

Albatta, Ismoil Gaspirinskiyning Turkistonga qilgan sayohatlari, ta'lim tizimining isloh qilish yo'lidagi harakatlari izsiz ketmadi. Uning ishini bu o'lkada ham davom ettiruvchilar topildi. Ularning barchalari Ismoil Gaspirinskiy "muhtaram ustozimiz" deb tilga oladilar.

Xulosa va takliflar. Masalaga xulosa tarzida quyidagilarni ta'kidlash maqsadga muvofiqdir.

XIX asrning ikkinchi yarmidan boshlab Buxoro amirligida faoliyat olib borayotgan maktab va madrasalar faoliyati ilg'or Yevropa mamlakatlari ta'lim tizimi yutuqlaridan orqada qola boshladi;

O'rganilayotgan davr Buxoro amirligi ta'lim tizimini isloh qilish g'oyalari vujudga kela boshladi. Dastlab, bu g'oyalar Ahmad Donish qarashlarida o'z ifodasini topdi. Buxoriy yirik madrasalarini faoliyatini zamon ruhiga moslash, madrasalarga "oliy" yoki "birinchi" darajali madrasa maqomini berish masalalarini Ismoil Gaspirinskiy qarashlarida o'z ifodasini topgan. Ismoil Gaspirinskiyning o'z davri uchun ilg'or bo'lgan bu g'oyalari bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotmaganligini ko'ramiz.

ADABIYOTLAR

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 25.
2. Даниш, Аҳмад. История мангитской династии. – Душанбе: Дониш, 1967. Айний С. Тарихий инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987.
3. Таржимон газетасининг 1990 йилдаги 9-сонидаги Бухорои шариф, 1993 йил 4-сонидаги Бухоро ва Боғчасарой, 1995 йил 8-сонидаги Бухоро мақолалари.
4. Остроумов Н.П. История мусулманского образовательного движения в России в XIX и 20 столетия // Мир Ислама. – Санкт Петербург, 1913; Керенский Ф.М. Медресе в Туркистанском крае. – Санкт Петербург, 1892; Наливкин В.П. сведения о состоянии туземных мадрасе Сырдаринского области в 1890/91 учебном году. – Т.: Б. И, 1916.
5. Алимов.И. Кўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи. – Тошкент: Фан, 2017; Расулов Б. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири – XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фанлари номзодлик... дисс. – Андижон, 1996; Солижонова Г. Учебно просветительские очаге в Туркестане, их общественное значение (конес XIX – начало XX вв). Афтореф. дисс... канд. Истор. Наук. – Т., 1998; Исмоилова Д. Ислом динининг Туркистон ижтимоий, сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли (XIX аср охири XX аср бошлари), тарих фанлари номзоди... дисс. – Т., 2005.
6. Абдурашидов З. Буюк маърифатпарвар Исмоил Гаспиринский ва Туркистон. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 288 б; Қосимов Б. Исмоилбек Гаспирали. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1992; Долимов У. Исмоил Гаспиринский ва Туркистонда усули жаҳид мактаблари. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 288 б; Каримов Н. Туркий дунё юлдузи – Исмоил Гаспиринский ва Туркистон. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 288 б.
7. Шамсуддинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалар тарихи (XIX аср охири XX аср бошлари). – Андижон, 1995. – Б. 60.
8. Хидоятлов Г. Менинг жонажон тарихим. – Тошкент, 1992. – Б. 243.
9. Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 5.
10. Жабборов М., Арслонзода Р. Фарғона Россия империяси ҳукмронлиги даврида. Тошкент: Наврўз, 2019. – Б. 122.
11. Бобоқандов Н, Ғаниев К. Аҳмад Дониш ижодида-демократик ғоялар // «XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро» мавзусида республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2010. – Б. 10.
12. Исмоил Гаспиринский ва Туркистон. Масъул муҳаррир Наим Каримов. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 71.
13. Жамолова Д. Амир Абдулаҳадхон ва Исмоилбек Гаспиринский // «XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро» республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Бухоро, 2016. – Б. 100.
14. Исмоил Гаспиринский ва Туркистон. Масъул муҳаррир Наим Каримов. – Тошкент: Шарқ, 2005.
15. Протокол заседаний собрания учителей городских училищ Туркистанского края. (30 декабря 1883 – 3 января 1884). – Ташкент, 1884. – С. 17.
16. Исмоил Гаспиринский ва Туркистон. Масъул муҳаррир Наим Каримов. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 73.
17. Остроумовнинг жавоби. – Гулистон, 1995 йил 1-сон. – Б. 42.
18. Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – М., 1926. – Б. 34.



УДК: 325:94(327)

Ўзбек РАДЖАБОВ,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
E-mail: ozzbek.radjabov.1994@mail.ru

ЎЗМУ доценти, тар.ф.н. Ураков Д. Ж. тақризи асосида

THE ISSUE OF THE "GREAT GAME" POLICY IN THE GEOPOLITICAL INTERPRETATION OF H. MCKINDER

Abstract

Geopolitics studies the processes related to the geographical location of certain regions and countries, their borders, natural resources, their place in world politics and their geopolitical opportunities and prospects. The most important road in Eurasia, which connects the West with the East and the South with the North, is part of the Great Silk Road in Uzbekistan; The country has strategic resources – oil, gas, gold, uranium and many other underground and surface resources, the state has a favorable natural climate, plays a significant role in the historical development and civilization of mankind. This article analyzes the question of whether any research on regional security should be taken from a geopolitical point of view, the region's location between different geopolitical forces and centers, and H. McKinder's interpretation of the geopolitical process of the "Great Game" in the XIX century.

Key words: geopolitics, Central Asia, "Heartland", geopolitical concept, "Great game", balance of power, buffer zone, Afghanistan, "Eastern problem", khanates.

ПРОБЛЕМА «БОЛЬШАЯ ИГРА» В ГЕОПОЛИТИЧЕСКОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ Х. МАККИНДЕРА

Аннотация

Геополитика изучает процессы, связанные с географическим положением отдельных регионов и стран, их границами, природными ресурсами, их местом в мировой политике, их геополитическими возможностями и перспективами. Самая важная дорога в Евразии, соединяющая Запад с Востоком и Юг с Севером, является частью Великого шелкового пути в Узбекистане; Страна обладает стратегическими ресурсами - нефтью, газом, золотом, ураном и многими другими подземными и наземными ресурсами, государство обладает благоприятным природным климатом, играет значительную роль в историческом развитии и цивилизации человечества. В статье анализируется вопрос о том, следует ли проводить какие-либо исследования региональной безопасности с геополитической точки зрения, расположение региона между различными геополитическими силами и центрами и интерпретация Г. Маккиндером геополитического процесса «Большой игры» в XIX веке.

Ключевые слова: геополитика, Центральная Азия, «Хартленд», геополитическая концепция, «Большая игра», баланс сил, буферная зона, Афганистан, «Восточная проблема», ханства.

Х.МАККИНДЕР ГЕОСИЁСИЙ ТАЛҚИНИДА “КАТТА ЎЙИН” СИЁСАТИ МАСАЛАСИ

Аннотация

Геосиёсат фани муайян минтақа ва давлатларнинг географик жойлашуви, уларнинг чегаралари, табиий ресурслари, жаҳон сиёсатида тутган ўрни ҳамда уларнинг геосиёсий имкониятлари ва истикболлари билан боғлиқ жараёнларни ўрганади. Евросиёда ғарбни шарқ билан, жанубни шимол билан боғловчи энг муҳим йул — «Буюк Ипак йули»нинг таркибий қисми Ўзбекистон худудига тўғри келади; мамлакат стратегик ресурслар ҳисобланмиш — нефть, газ, олтин, уран ва бошқа кўплаб ер ости ва ер усти бойликларига, давлат қулай табиий иқлим шароитига, инсоният тарихий тараққиёти ва цивилизациясида салмоқли ўринга эга. Ушбу мақолада минтақавий хавфсизлик тўғрисидаги ҳар қандай тадқиқот айнан геосиёсий нуқтаи-назардан қўлга олиниши, минтақанинг турли геосиёсий кучлар ҳамда марказлар ўртасида жойлашганлигидан келиб чиқилиши масалалари ва XIX асрдаги “Катта ўйин” геосиёсий жараёнининг Х.Маккиндер талқини таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: геосиёсат, Марказий Осиё, «хартланд», геосиёсий концепция, “Катта ўйин”, кучлар мувозанати, буфер зона, Афғонистон, “Шарқ масаласи”, хонлиқлар.

Қириш. Геосиёсий тадқиқотларга кўра Евросиёда кечаётган барча геосиёсий жараёнлар тарихан шаклланган қатъий қонуният асосида қитъанинг марказига интилишга қаратилган. Бунга биринчи жаҳон ва иккинчи жаҳон урушлари яққол мисолдир. Бундан ташқари, кейинги жаҳон урушидан сўнг авжига чиккан қуролланиш пойгаси ҳам геосиёсий тадқиқотларда акс этган ер юзида минг йиллардан давом этиб келаётган икки куч қарама-қаршилигини ифода этади. Кенг маънода «хартланд» ва «римланд» ўртасида зиддият, бошқача айтганда ер юрагига интилиш бугунги кунда ҳам юз йиллардан бери давом этиб

келаётган геосиёсий жараёнларни белгилаб бермоқда. Бу жараёнлар геосиёсатчи олимлар томонидан чуқур илмий тадқиқотлар орқали ўрганилган ва айнан ушбу изланишлар кўпгина ҳарбий ҳаракатларининг назарий асоси бўлиб хизмат қилган. Ер юзидаги энг қудратли давлатлар айнан геосиёсий тадқиқотлар асосида ўз ташқи стратегиясини қуришган, ташқи сиёсат борасида муҳим қарорлар айнан геосиёсатчиларнинг қатъий маслаҳатларига таянган ҳолда амалга оширилган. Буни Британияда ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида яшаб ўтган Хэлфорд Маккиндер мисолида яққол кузатиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Тадқиқотимиз давомида биз ўз олдимизга қандай инновацияларни қўллашни мақсад қилиб қўйдик. Биринчидан, ишнинг даврий чегарасидан келиб чиққан ҳолатда “Катта ўйин” сиёсати ҳақидаги адабиётларни шартли равишда туркумлаш, яъни, адабиётларни тил ва ҳудуд нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Биринчи гуруҳга бевосита “Катта ўйин” сиёсатининг биринчи “қутби” ҳисобланган британиялик муаллифларга тегишли асарларни киритамиз. Бунда империалистик ҳукумат ҳужжатлари, инглиз ҳарбийлари, сиёсатчилар, журналистлар ҳамда тарихчиларнинг асарлари, шунингдек шу даврга оид бўлган даврий матбуот нашрлари ўрин эгаллайди: Г. Роулинсон, Ч. Мак-Грегор, Э. Г. Ласи, Д. Улкварт, Р. Вилсон, Г. Поттинжер, Ж. Киннейр, А. Конноли, А. Бёрнс, Ж. Еббот[1] кабиларнинг асарларини кўрсатиш лозим.

“Катта ўйин” сиёсати тарихшунослигидаги иккинчи катта туркум сифатида рус тилидаги манбаларни таснифлашимиз мумкин. Жумладан, М.А. Терентев, А.И. Макшеев, М.И. Венюков, Ф.Ф. Мартенев, А.Е. Снесарев, А.Н. Куропаткин, В.А. Бартолд, Э.Л. Шгейнберг, И.И. Крачковский, Н.А. Халфин, С.З. Мартиросов, Ф.Х. Юлдашбаева, Г.А. Ҳидоятлов, М.Т. Кожекина ва И.Е. Фёдорова, О.И. Жигалина, С.Н. Брежнева, А.В. Постников[2] ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг етакчи илмий концепцияси муаммога цивилизацияон ёндашув эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этишда илмийлик, билишнинг ҳолис, тарихий, қиёсий ва танқидий ўрганиш, тизимлик тамойиллари, культуругенез принципларига амал қилинди.

Таҳлил ва натижалар. XIX аср охирига келиб кўплаб британиялик саёҳатчи, географ, топограф, тарихчилар ҳамда ҳарбий ва давлат амалдорларининг Марказий Осиёни тадқиқ қилишлари натижасида минтақа ҳақида жуда кўплаб илмий маълумотлар тўплана бошланди. Айнан мана шу назарий ва амалий база XIX аср охири - XX аср бошларида пайдо бўлган янги- геосиёсат фанининг асосларини яратди. Ушбу фаннинг асосчилари орасида Ф.Ратцель, К. Хаусхофер, А.Мэхэн, Х.Маккиндер каби кўзга кўринган олимлар бор эди.

Уларнинг таъкидлашича, эндиликда дунё сиёсати эски империал тузилмалар ва оқ танлиларнинг цивилизацияон миссияси призмасида эмас, балки табиий чегаралар, яшаш майдонлари, денгиз ва китъа кучлари каби тушунчалар негизида шакллана бошлайди. Мазкур олимларнинг барчаси Евроосиёнинг марказий минтақаларидаги давлатларнинг бутун дунё устидан ҳукмронлик қилиши глобал аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Юқорида таъкидланганидек, геосиёсат деб номланувчи янги фан тармоғининг асосчиларидан бири британиялик таниқли тарихчи Х.Маккиндер бўлиб, у 1904 йилда “Тарихнинг географик ўқи” номли китобини нашрдан чиқарди [1]. Мазкур китобида Маккиндер Евроосиё минтақасининг сезиларли даражадаги стратегик қисми яъни Хартландни назорат қилишда минтақа империяси(Россия) ва денгизлар маликаси Англиянинг рақобати масалаларини таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Унинг фикрига кўра, 50 млн км кв майдонни эгаллаган ушбу

минтақада асосий эътибор Шимолий Муз океани минтақаси ва Каспий ва Оролбўйи хавзаларига қаратилиб, ўз-ўзидан бу жойларда руслар назоратининг ўрнатилганлиги инглизлар манфаатларига зид эди. “Катта ўйин”нинг асосий майдонлари ҳисобланувчи Яқин Шарқ ва Марказий Осиёнинг дашт аҳолиси Х.Маккиндер фикрига кўра, Эрон ва Кичик Осиёнинг ясситогликларидан мустақиллик учун курашларда фойдаланиш имкониятига эга. Шунингдек, улар ўз ҳужумларини Панжоб водийси орқали Ҳиндистонга, Сурия орқали Мисрга, Босфор ва Дарданелл бўғозлари орқали Венгрияга йўналтириб туришлари мумкин [2]. Маккиндер Россиянинг Хартланд минтақасидаги чўл ҳудудларини мустамлакага айлантираётганлигини таъкидлаб ўтади. “Ўтган асрда Европада юз берган фавқуллода ўзгаришлардан бири рус деҳқонларининг жанубга силжиши эди. Агар илгарилари рус қишлоқлари ўрмонлар билан чегарада тугаган бўлса, эндиликда бу чегара бепаён Осиё даштларининг бўғдой далаларига туташиб кетмоқда [3]”.

Х.Маккиндер шундай ёзади: “Кучлар мувозанатининг Россия фойдасига бузилиши ҳамда Евроосиё минтақасидаги чегара чизикларининг ўзгариб бориши Буюк Британия империясига ҳам денгиз флотларини кучайтириш заруриятини юклайди. Агар биз Россиянинг ҳаракатларига кўз юмишда давом этсак, тез орада қаршимизда дунё империяси пайдо бўлади. Бунинг учун фақат Германиянинг Россияга иттифокчи сифатида шаклланиши кифоядир. Шунинг учун шаклланиш эҳтимоли юқори бўлган бундай иттифокнинг таҳдиди Францияни Европа китъасидаги денгиз кучларининг асосий қуролига айлантириши керак, шундан кейин Франция, Италия, Миср, Ҳиндистон ва Корея давлатлари ўз кучларини бирлаштириб, кучли иттифок яратмоқлари лозим. Бунда денгиз флоти армияни қўллаб-қувватлайди ва куруқликдаги ҳарбий ҳаракатларда ҳам муваффақиятга эришиш имкониятини яратади. Бутун дунё денгиз кучларини тўпловчи бу иттифокда Ҳиндистон ҳал қилувчи роль ўйнамоғи лозим. Ҳиндистоннинг ортида кучли инглиз ҳукумати туради. Ўз навбатида, бу концепциянинг ортида Эзгу умид бурнидан то Япониягача Ҳиндистон орқали чўзилувчи Британия ҳарбий ҳаракатларининг харитаси шакллана бориши ётарди. Х. Маккиндернинг таъкидлашича, Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқ билан боғлиқ муаммолар минтақадаги ички ва ташқи кучлар ўртасидаги беқарор вазият ва муносабатларга боғлиқ бўлиб, бу ерда мавжуд бўлган маҳаллий давлатларнинг хоҳиш-истаклари умуман инобатга олинмайди [4]. XIX аср охири XX аср бошларида Эрон, Афғонистон ва Тибетда юзага келган мураккаб вазият мазкур тезиснинг нақадар тўғрилигини исботлаб берди. Бугунги кунда Х.Маккиндернинг “Хартленд” гоёси тахрирга муҳтож бўлса-да, унинг роли ҳалигача ҳам юқори баҳоланмоқда [5].

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Буюк Британия ташқи сиёсатига таъриф берар экан, Х. Маккиндер Британия империяси учун Осиёдаги энг йирик хавф Россия эканлигини, XIX аср халқаро муносабатлари негизида инглиз-рус қарама-қаршилиги ётишини қайд этади.”Бу даврда турли хил инглиз нашрлари рус босқинчилигининг Константинополдан Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий чегараларига томон илдам силжиётганлиги ҳақидаги маълумотларни оммага эълон қилиш билан банд. Британиянинг денгиз кучлари ва Россиянинг куруқликдаги қўшинлари халқаро сиёсий

майдонда тўқнашиш арафасида турибди [6]". Х.Маккиндер асарлари ва яратган концепциясининг аҳамиятини фақат Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобати ҳамда зиддиятлари нуктаи назаридан баҳолаш қийин. Чунки, олим ушбу геосиёсий жараёнга на алоҳида, на маҳаллий қарама-қаршилик, на "Шарқ масаласи" нинг давоми сифатида қарайди. Х. Маккиндер Марказий Осиё минтақасига барча халқро муносабатлар тизимининг муҳим элементи сифатида баҳо беради. Марказий Осиё фақатгина Ҳиндистонни бўйсундираётган қўшинлар учун тезкор ва тактик база бўлиб қолмасдан, балки бутун Евроосиёни бошқариш имконини берувчи геосиёсий ўқнинг бир қисмидир. Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобати нафақат анъанавий империалистик нуктаи назардан, балки, геосиёсат тарафлама ҳам кўриб чиқилиши зарур.

Хулоса ва таклифлар. XX асрнинг бошлари Британия ва Россия империяларининг Марказий Осиёдаги муносабатлари бўйича позицияларини яқинлаштириш учун муайян чоралар кўришга уриниш даври сифатида изоҳланади. Ушбу уринишларнинг натижаси сифатида 1907 йил 31 августда Британия ва Россия ўртасида Эрон, Афғонистон, Тибет масалаларига бағишланган Конвенция имзоланди. XIX охири-XX аср бошларидаги юзага келган ушбу вазият халқаро кучларнинг ички ва ташқи муносабатлари билан боғлиқ тарзда кечди. Ушбу дипломатик ҳужжат дастлаб замондошларининг таниқли давлат арбобларидан тортиб кенг жамоатчилик вакилларигача, кейинчалик эса Европа ва жаҳон сиёсатидаги турли-туман тенденциялар фониди Англия-Россия келишувининг турли жиҳатларига эътибор қаратган шарқшуносларнинг мунозарали баҳоларини уйғотганлиги бежиз эмас.

АДАБИЁТЛАР

1. Rawlinson H. England and Russia in the East. L. 1875; MacGregor, Gen. Sir Charles Metcalfe. The Defence of India. Simla. 1884; E. G. de Lacy The Designs of Russia. L., 1828; Ulquhart D. England, France, Russia and Turkey. I... 1834; Wilson R. A Sketch of the Military and Political Power of Russia in the Year 1817. L., 1817; Pottinger H. Travels in Beloochistan and Sind. L., 1816; Kinneir J. M. Journey through Asia Minor, Armenia and Koordistan in 1813-1814. L., 1818; Conolly A. Journey to the North of India. Overland from England. Through Russia, Persia and Afghanistan. 2 vols., L., 1838; Burnes A. Travels into 'Bokhara, a Journey from India to Cabcol, Tartary, and Persia in 1831-33. 3 vols. L., 1834; Abbott J. Narrative of a Journey from Herat to Khiva, Moscow and St. Petersburg during the Late Russian Invasion of Khiva; With Account of Court of Khiva and the Kingdom of Khaurism. 2 vols. L., 1843.
2. Терентьев М. А. Россия и Англия в Средней Азии. СПб. 1875; Завоевание Средней Азии СПб. 1906.; Макшеев А. И. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. СПб., 1890.; Венюков М. И. Опыт военного обозрения русских границ в Азии. Вып. 1. СПб., 1873.; Мартене Ф. Ф. Россия и Англия в Средней Азии, СПб., 1880.; Снесарев А. Е. Афганистан. М.: 1921; Индия как главный фактор в среднеазиатском вопросе. СПб., 1906.; Куропаткин А. Н. Задачи Русской армии. СПб., 1910.; Бартольд В. А. История изучения Востока в Европе и в России. Л., 1925.; Шгейнберг Е. Л. История британской агрессии на Среднем Востоке. М., Воениздат, 1951.; Крачковский И. Ю. и др. Очерки по истории русского востоковедения. М., 1953.; Халфин Н. А. Политика России в Средней Азии (1857-1868). М., 1960; Халфин Н. А. Присоединение Средней Азии России (60-90-е гг. XIX в.). М., 1965; Мартиросов С. З. Англо-русские противоречия в Средней Азии в дореволюционной и советской исторической литературе. Ашхабад, 1962; Юлдашбаева Ф. Х. И истории английской колониальной политики в Афганистане и Средней Азии (70-80-е годы XIX в.). Ташкент, 1963; Хидоятов Г. А. Из истории англо-русских отношений в средней Азии в конце XIX века. Ташкент, 1969; Кожекина М. Т., Федорова И. Е. Политика Великобритании и США на Среднем Востоке в английской и американской историографии (очерки). М., 1989.; Жигалина О. И. Великобритания на Среднем Востоке XIX - начало XX в.: анализ внешнеполитических концепций. М., 1990; Брежнева С. Н. Присоединение Туркестана к России: дискуссионные проблемы дореволюционной и советско' историографии. Тольятти. 2004; Постников А. В. Схватка на «Крыше мира»: политики, разведчики, географы в борьбе за Памир в XIX века. М., 2005.
3. Mackinder, H. J. The Geographical Pivot of History II The Geographical Jour. Vol. 23. No. 4. 1904. P. 421-437
4. Маккиндер Х. Дж. Географическая ось истории // Полис. 1995. № 4. С. 163.
5. Маккиндер Х. Дж. Географическая ось истории // Полис. 1995. № 4. С. 163.
6. Mackinder H. J. Democratic Ideals and Reality. N.Y. 1942; Mackinder H. J. The Round World and the Winning of Peace II Foreign Affairs. 1943. № 4.
7. Маккиндер Х. Дж. Географическая ось истории // Полис. 1995. № 4. С. 166-169.
8. Маккиндер Х. Дж. Круглый мир и обретение спокойствия // Журнал «Космополис» [Электронный ресурс] – Электронные дан. - 2006.- №2. – Режим доступа: http://www.jntelros.ru/2007/04/04/khjelford_mackinder_kruglaja_zemlja_i_obretenie_mira_perevod_i_kommentarii_vadima_cymburskogo.html, свободный.



Сайёра ТУРАЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

“Гуманитар ва ижтимоий фанлар” кафедраси

катта ўқитувчиси, т.ф.н.

E-mail: Sayyora_tura@mail.ru

ANALYSIS OF THE FOUND NEW DOKUMENTS ON THE “CHARTER OF THE BUKHARA GOLD MINING COMPANY”

Abstract

Documents on the history of mining and minerals in the khanates of Central Asia are kept in the National Archives of Uzbekistan. In the article, several documents on the history of mining were first published and included in the scientific circulation, and were also purposefully used to clarify the content of the article. The article describes the essence of such documents as the "Charter on the private gold industry in Turkestan" in the late 19th - early 20th centuries and the "Charter of the Bukhara gold mining company" as well as a list of persons who have certificates for gold prospecting in Turkestan, information on the legal framework for regulating activities gold producers.

Key words: Central Asia, minerals, Bukhara Khanate, Governor-General of Turkestan, charter, private gold industry, mining history, testimony, local industrialists, mining and exploration.

АНАЛИЗ НАЙДЕННЫХ НОВЫХ ДОКУМЕНТОВ О «УСТАВА БУХАРСКОГО ЗОЛОТОПРОМЫШЛЕННОГО ОБЩЕСТВА»

Аннотация

Документы по истории добычи и разработки полезные ископаемые в ханствах Средней Азии хранятся в Национальном архиве Узбекистана. В статье несколько документов по истории горного дела были впервые опубликованы и включены в научный оборот, а также были целенаправленно использованы для разъяснения содержания статьи. В статье описывается сущность таких документов, как “Устав о частной золотой промышленности в Туркестане” в конце 19 - начале 20 веков и “Устав Бухарского золотопромышленного общества” а также список лиц, имеющих свидетельства на разведку золота в Туркестане, информация о правовой базе регулирования деятельности производителей золота.

Ключевые слова: Средняя Азия, полезные ископаемые, Бухарское ханства, генерал-губернатор Туркестана, устав, частной золотой промышленности, история добычи, свидетельство, местные промышленники, добыча и разведка.

“БУХОРОДА ХУСУСИЙ ОЛТИН ҚАЗИБ ОЛИШ ЖАМИЯТИ” ВА БУ ҲАҚИДА ТОПИЛГАН ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Ўрта Осиё хонликлари ҳудудларида табиий фойдали қазилмаларни қазиб олиш, тоғ- кон иши тарихига оид ҳужжатлар Ўзбекистон Миллий архивида сақланади. Мақолада тоғ-кон иши тарихига оид бир неча ҳужжатлар илк бора илмий муомалага тортилди ва мақола мазмунини очиб беришда мақсадли фойдаланилди. Ушбу мақолада XIX аср охири ва XX аср бошларида “Туркистон ўлкасида хусусий олтин ишлаб чиқаришга рухсат этилиши ҳақидаги низом” ҳамда “Бухоро олтин ишлаб чиқарувчи жамият низом” каби ҳужжатларнинг моҳияти ва Туркистон ўлкасида олтин қидириш ишларига рухсат этилган шаходатномаларга эга бўлган шахслар рўхати каби ҳужжатларнинг мазмуни, олтин ишлаб чиқарувчиларнинг фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумотлар берилди.

Калит сўзлар: Ўрта Осиё, фойдали қазилма бойликлари, Бухоро хонлиги, Туркистон генерал- губернаторлиги, низом, хусусий олтин қазиб олиш, тоғ-кон иши тарихи, шаходатнома, маҳаллий саноатчилар, кон қазиб олиш ва разведка ишлари.

Кириш (Introduction) Ўрта Осиёда қадимдан кўп табиий фойдали қазилма маъданлар конларига эга ҳудуддир. Туркистон ўлкасининг Россия империяси мустамлакачилиги даврида мамлакат табиий бойликларини ўзлаштириш мақсадида кўплаб кончилик иши билан боғлиқ ширкатлар тузилган. Айниқса XIX аср охири ва XX аср бошларида турли ширкатлар ташкил этилиши бир томондан мамлакат табиий географик ва геологик имониятларини тўлароқ ўрганишга, кон иши, геология қидирув – разведка ишлари жадаллашувига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, мамлакат табиий бойликлари мустамлака манфаатларига бўйсундирилиши кузатилган. Аммо ўлкага кириб келган кон иши билан шугилланувчи ширкатлар, мазкур соҳада

замонасининг илғор технологияларини олиб киришга ҳаракат қилганлар. Бундай ширкатлар ўз *устав- низом* ҳужжатида эга бўлиб, ширкат фаолитига тегишли барча масалалар унда ўз аксини топган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)

Ўрта Осиёга, хусусан Туркистонга кон иши билан боғлиқ ширкатлар, Туркистон генерал- губернаторлиги томонидан ўлка табиий бойликларининг ўзлаштирилиши борасидаги мустамлака сиёсатининг асосий хусусиятларини ўз тадиқотларида Н.А. Абдурахимова [1], Дудаков С . А.[3], Х. Ш. Авазова[3], Ҳ. Зиёев[4], Н.У. Мусаев[5], М.Р. Жабборов[6], Н. Ю. Потапова[7], И.Н. Жамолхожи [8] ва бошқалар мақола

ва асрларида акс этирган. Ҳ.Ш. Авазова Туркистон ўлкасида банк ва фирмаларнинг ривожланиш жараёнларини, уларнинг ҳиссадорлик ва акциядорлик ширкатлари фаолиятларидаги аҳамияти жиҳатларини тадқиқ этган. Н.У. Мусаев Туркистонда саноат ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланишининг мураккаб ва зиддиятли жараёнларини, унинг ўлка халқлари ижтимоий- иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини илмий таҳлил қилган.

Шунингдек, тадқиқот ишида нефт ишлаб чиқаришнинг саноатлашув масалаларига ҳам тўхтаб ўтилган. М.Р. Жабборов ўз тадқиқотида Фарғона водийсида тоғ-кон саноатида акциядорлик жамиятларининг фаолиятлари ҳамда нефт саноатига оид маълумотларни ҳам келтириб ўтади. Н. Ю. Потапованинг тадқиқоти Туркистонда тадбиркорлик тарихи, унинг вужудга келиши, ривожланиши ва хусусиятларига, капиталистик инфратузилманинг барпо этилиши, хусусан, тоғ-кон саноатида хусусий секторнинг шаклланиши масалаларига бағишланган. Жамолхожи И. Н. тадқиқотида Фарғона водийсида нефть саноатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари тарихи, нефть қазиб олинган конлар, нефть қазиб чиқариш усуллари, миллий нефтчилик анъаналари, соҳага мустамлакачилик сиёсатининг таъсири, хорижий нефть ширкатларнинг кириб келиши ва уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ёритиб берган.

Тадқиқот методологияси. (Research Methodology).

Мақолада умум қабул қилинган тарихий методлар – ретроспектив ёндашув, контент анализ, киёсий – мантикий таҳлил, кетма – кетлик, изчиллик, золисоналик каби тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда янги Ўзбекистоннинг ривожланиши жараёнида миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихининг халқаро муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти илмий таҳлил этилган.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Кончилик “устав” – низомида мазкур жамият асосчиси, қандай фойдали қазилма бойликлари қазиб олишга ихтисослашганлиги, кончилик ишларини олиб бориш ҳудудини ва ўлчамлари, мақсади, ҳуқуқ ва бурчлари ўз аксини топган. Ўрта Осиёда тоғ-кон иши ва фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш ва унинг савдоси билан шуғилланган ширкатлар “устав”-низоми ҳақидаги илк маълумотлар тадқиқотимиз давомида 1870 йилдан аниқланди. Бу “Туркистон генерал губернаторлиги ҳудудида хусусий олтин ишлаб чиқаришга рухсат этилиши” хусусидаги янги устав ҳисобланади[9]. Мазкур “устав”-низомга “янги” сўзи қўшиб қўлланилишидан аниқлашдики, бу соҳа бўйича 1870 йилдан олдин ҳам амалиётда мазкур масалани тартибга солувчи “устав”-низом бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Олтин кўп қазб олинган ҳудудлардан бири бу- Бухоро хонлиги ҳудуди эди. Бухоро хонлигида хусусий олтин қазиб олишни тартибга солиш учун ҳам махсус ҳужжат қабул қилинган. Ушбу ҳужжат “Бухоро хонлигида олтин ишлаб чиқариш ҳақида”[10] деб номланиб, 1891 йил декабр ойининг 18-31 кунлари давомида расмийлаштирилган.

Россиянинг Бухородаги сиёсий агенти томонидан Туркистон генерал-губернаторига йўллаган расмий ҳужжатида ёзилишича, “Бухорога минерал ресурсларни ўзлаштириш мақсадида ташриф буюрган барча

одамлар ўн икки (ой) мавсум давомида хонлик ҳукумати мамлакати томонидан ишлаб чиқарилишини сўрашди, натижада уларнинг таклифлари Сиёсий агентлик томонидан кечиктирилган.

Фақат 7 декабрда тушган ариза натижалари билан, ҳурматли истеъфодаги поручек Бобожко жаноб Седан ўзининг шахсий маблағлари ҳисобидан қидирув ва разведка ишлари ва маъдан қазиб олиш ишларини олиб боришга рухсат сўраб мурожаат этган эди [11].

Кейинги ҳужжатда, Россия Императорнинг Бухородаги дипломатик агентлигидан Бухоро хонлигининг ваколатли вакилига мурожаати асосида истеъфодаги поручик Фёдор Леонич Бобожко ва Георгий Степанович Седаннинг аризаси кетирилган. Ушбу аризининг мазмуни қуйидагича эди, “*Менинг ишончли вакилим, умуман, Бухоро хонлигида фойдали қазилмаларни қидиришини истаган, шунинг учун Вахш дарёларининг водийларида ва хонликнинг ҳудудида жойлашган бошқа жойларга олтин қидириш, разведка ва қидирув ҳамда конлардан фойдаланиш ҳуқуқини олиш учун Бухоро ҳукуматидан рухсат олиб беришинизни сўрайди. Зарур шароитлар ўрганилиб, менинг ишончли вакилим фойдали қазилмалар конларини қидириш ва маъданларни қайта ишлашга рухсат олишни истайди*”- деб, ўз фикрини баён этган эди. [12].

Этибор қаратилса олтин қазиб олиш уюшмаси рухсатномаси собиқ ҳарбий шахсга расмийлаштирилиб, унинг вакили орқали Бухорода олтин ва бошқа маъданларни қазиб олишлари, конларни қидирув ва разведка ишлари олиб борилиши ҳуқуқий ҳолати акс этган. Бухорода Россия саноатчилари, хусусий олтин қазиб олувчилар, уларнинг ширкатларига имтиёзлар, қулайликлар анча юқори бўлганлигини кўрсатади. Ҳатто маҳаллий маъмурият ушбу олтин ишлаб чиқарувчи мустамлака далаат фуқароларига турли хил ёрдам кўрсатилиши ҳам назарда тутган. Демак, рус саноатчилари маълум тўлов эвазига Бухоро хонлиги ҳудудида олтин излаш, фойдали маъданларни қидирув ва разведка ишларига киришганлар. Ўлкадаги Мустамлака маъмурлари олтин қазиб олиш учун сармоси асосидаги мазкур соҳага капитал киришини, мустамлака ҳукуматининг таъсир доирасини кенгайтиришини назарда тутиб, қўллаб қувватлашни тақозо этади, деб ҳисоблаганлар. Ҳужжатнинг 4- бандида қазилма бойликларининг сифати ва миқдорини аниқлаш мақсадида текширилаётганда Бухоро ҳукуматининг маъдан изловчи ва разведка ишлари билан шуғилланувчиларга ўрнатилган тўловга тортилмаслиги лозимлигининг таъкидлаши мустамлака маъмурларининг алоҳида қўллаб қувватланишини яна бир бор кўрсатади. Мустамлака давлат вакилларининг бундай баъзи алоҳида имтиёзларни асосиз қўллаши 1891 йилда, маҳаллий шароитга нисбатан “олтин қазиб олиш ва хусусий ишлаб чиқаришни тартибга солиш низоми” якуний қиёфада шаклланмаганлиги сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Умуман, Туркистон ўлкасида, Бухоро хонлигида ҳудуддаги қазилма бойликларини қазиб олишга ихтисослашган жамиятлар талайгина эди. Шулардан бир “Бухоро олтин ишлаб чиқарувчи жамият” ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланаётган яна бир ҳужжат 1904йил 12 мартга оид бўлиб, “Бухоро олтин ишлаб чиқарувчи

жамият низомининг тасдиқланиши тўғрисида”[13] ҳужжат мавжуд.

Низом лойиҳасининг 1-қисмида бу жамият Бухоро хонлигида олтин конларини қайта ишлаш ва фойдаланиш учун ташкил этилганлиги, 1903 йил 14 апрелда берилган № 131-144-сонли рухсат этилган шаҳодатномага кўра, Сиёсий агентлик ва Бухоро ҳукумати ўртасидаги келишувга биноан тузилганлиги кўрсатилган [14].

Низом лойиҳасига илова қилинган 13 та рухсат берилган шаҳодатномалар кўрсатилган. Бухоро хонлигида олтин қазиб олиш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ фақат ушбу шаҳодатномалар кўрсатилган шахсларга олтин конларини қидиришга рухсат берилган.

Шаҳодатномалардан баъзиларида шартлар кўрсатилган бўлиб, масалан, 143-сонли шаҳодатнома, Никалаев шахсига берилган бўлиб, Дендан-Шекен дарёсининг водийсида олтин конларини қидириш ишларини олиб бориш ҳуқуқини беради, шarti шуки, Николаев *ҳеч қандай ҳолатда ишчилар билан 300 саженьдан яқинроқ масофада жойлашган қишлоққа ва қабристонга яқинлашмайди*, яна маҳаллий аҳолига *ёзма мажбуриятлари тўғрисида тилхат берилиши керак бўлган* ва Бухоро ҳукумати томонидан тасдиқланган ҳолда Сиёсий агентликга тақдим этилиши лозим бўлган. Тадбиркорларнинг ушбу шартларни бажарганлигини назорат қилиниб, уларга олтин ишлаб чиқиш ва конларни эксплуатация қилиш ҳуқуқи ҳатто қидирув ва разведка қилиш ҳуқуқи берилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, таъсис этилаётган жамият низомининг лойиҳаси аввал батафсил муҳокама қилиниб, жанобларига (Туркистон генерал губернатори назарда тутилган – С.Т.) маъқул келиши билан тасдиқланган. Жамиятнинг асосчилари “Бухоро хонлигида олтин ишлаб чиқариш тўғрисидаги Қарорга” мос равишда ўзларининг ҳуқуқларини мустаҳкамлаб ва тасдиқловчи шаҳодатномаларни олади ва шаҳодатномаларда кўрсатилган шартларнинг бажарилиши ҳақида мажбурият оладилар ва шу йўл билан улар олтин конларини қидириш ва конлардан фойдаланиш учун тегишли ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ҳужжатдаги иловалар: а) устав лойиҳаси. б) тушунтириш хати, в) 13 рухсат этилган шаҳодатнома д) Қарор Генерал-лейтенант Н.

И. Иванов томонидан имзоланган. (Туркистон генерал-губернатори Н. И. Иванов (1901-1904) – С.Т.) Қоғоз тупламини мустаҳкамловчи: Девонхона бошқарувчиси подполковник Коишевский” деб, – қайд этилган[15]. Мазкур ҳужжатдан маълумки, “Бухоро олтин ишлаб чиқарувчи жамият низоми” 1904йил 12 мартда тасдиқланган бўлиб, ушбу жамият Г. Косинский ва И. Ромбер томонидан ташкил этилган. Ушбу жамиятнинг фаолияти Бухоро хонлиги ҳудудидаги Дендан-Шекен дарёсининг водийсидаги ва унга туташ ҳудудларда олтин конларини аниқлаш ва разведка қилиш ҳамда ушбу конлардан фойдаланиш, яъни олтин ишлаб чиқариш ҳамда совдосини ташкил этишга қаратилган. Демак, ушбу ширкатга бир неча шаҳодатномали олтин қазиб олувчи гуруҳлар бирлаштирилган. Низомда кўрсатилганидек, Бухоро хонлигининг тасвирланган ҳудудларда олтин конларини қидиришни амалга ошириш ҳуқуқини беради. Агар ушбу турдаги шаҳодатномалар водий этагидаги маданий ерлар эгаларига берилган бўлса, бундай шаҳодатномалар эгаси бўлган шахсларга шарт шуки, иш пайтида ушбу маданий ерларга тегмаслик тўғрисидаги ёзма мажбуриятларни ўз зиммасига олишлари кўзда тутилган. Низомда “Бухоро олтин қазиб олувчи жамияти” га бириктирилган аъзо гуруҳлари ҳеч қандай ҳолатда ишчилари билан 300 саженьдан яқинроқ масофада жойлашган қишлоққа ва қабристонга яқинлашмайди, яна маҳаллий аҳолига ёзма мажбуриятлари тўғрисида тилхат берилиши кераклиги қайд этилган. Ширкат аъзолари изланиш жараёнида тасодифан қазиб олинган барча фойдали қазилмалар, уларнинг сифати ва миқдорини аниқлаш мақсадида текшириляётганда Бухоро ҳукуматининг маъдан изловчи ва разведка ишлари билан шуғилланувчиларга ўрнатилган тўлов мавжудлиги аммо Бухоро ҳукумати фойдасига олинмаган бундай тўловлар конларни қазиб олишни бошлаган пайтдан берилиши ҳақида бандлар бўлган. Конларни қазиб олишга махсус шаҳодатнома расмийлаштиришидан аён бўладики, шу даврдан бошлаб, хусусий олтин қазиб олувчилар маълум ўрнатилган тартибда тўловларни Бухоро ҳукумати хазинасига махсус тўлов тўлашлари лозим бўлган. Туркистон ўлкасида олтин қидириш бўйича рухсат этилган шаҳодатномалар берилган шахслар рўхати [16].

№	Рухсатнома эгасининг исми шарифи	Рухсатнома берилган сана	Рухсатнома рақами
1	Орск 1-гилдия савдогари Степан Иванович Назаров	1894 йил 30 май	№А. 3760.
2	Гвардия отликлари штаб бошлиғи Владислав Викентевич Поклевский-Казел	1894 йил 30-май	№А. 3759.
3	Греденский гвардияси гуссар полки, Ленб штаб ротмистри Василий Александрович Шереметов	1894 йил 4-май	№А. 3872.
4	Егор Василев Котов, заҳирадаги оддий аскар, Чиназ уезд дехқонлар қишлоғи фуқароси	1895 йил 15/16 май	№А. 3383.
5	Подполковник Иля Минович Янушчев	1896 йил 8/9 май	№ А 3385.
6	Поручек Мирал Минович Янушчев	1896 йил 19-июнь	№А 4792.
7	10-Туркистон линиясининг баталёнининг кичик шифокори Асаскр Иван Госпарович Гаидамовичга	1896 йил 2/3 август	№А 5071.
8	Зодагон Станислов Федрович Николай	1896 йил, 2/3 август	№А. 5070.
9	Княз Григорий Григорович Лобанов Ростовский	1896 йил 22-август	№А 5454
10	Фармацевт (дори сотувчи) Секратарини	1897 йил 30/31-май	№А4190.

	Метлеевна Краузеннинг хотинига		
11	Губерния котиби Густав Густавович Эмерин	1897 йил, 13/14 июнь	№А 5469.
12	Зодагонлар авлоди давомчиси Март Гегумхвну Эмирин	1897 йил 13/14 июнь,	№А 5469
13	Вақтинчалик 2-гилдия наманганлик савдогари Александр Лвович Чернявский	1898 йил 29 апрель	№А 2929.
14	Коллеж вакили Николай Венеминович Асташев	1898 йил 16/17-март,	№ А 2058.
15	Коллеж қайдномаларини юритувчи масъул лавозим эгаси Алексей Лухич Рижжественский	1898 йил 31 март	№А 2426.
16	Енисей Муганин Иля Василевич Шчукун	1896 йил 16/17-март.	№А 2052.
17	Давлат маслаҳатчиси Осип Александрович Данилев	1898 йил 23/24 март,	№ А 2267.
18	Амалдаги давлат маслаҳатчиси Вигнод Александрович Данилов	1898 йил 23/24 март,	№А 2269.
19	Фахрий фуқаро Инахтид Александрович Данилов	1898 йил 23/24 март,	№А 2271.
20	Княз рафикаси Мария Федровна Лобановский Росроский	1898 йил 22/23 июнь	№А 3968.
21	Захирадаги сафдор Андрей Эрофн Зетов	1898 й., 12/12 июнь	№ А 6658.
22	Фахрий фуқаро Василий Петрович Раманов	1898 йил 18/19 сентябрь.	№ А. 6898.
23	Наманган шахрида яшовчи Сайид Бураниддин Шамансур-Шаевга	1898 йил 30 сентябрь	№ А. 7333.
24	Марғилон шахрида яшовчи Стипан Фрки Тихкуновга	1898 йил 30 сентябрь.	№ А. 7342.
25	Николай Канстантинович Романов	1898 йил 9 октябрь	№ А 7611.
26	Анжроский Павлева Угрехенова, ишдан бўшатишган подпоручек хотинига	1898 йил 19 октябрь	№ А 7959.
27	Коллеж котиби Павел Винтер Фёдор Вильгелмовч Фосс	1899 йил 30 март	№ А. 2785.
28	Захира сафдори Янов Мсивнев Финновач	1899 йил 2-январь	№ А 83.
29	2-Туркистон линияси ботсмани поручек Анатолий Миспофаев,	1899 йил 26 январда	№ А. 924.
30	Поручекнинг рафикаси Осатистик Матсевич Темофейва,	1899 йил 26-январь,	№ А 925.
31	Амалдаги давлат маслаҳатчи Виктор Алексеевич Спеговга	1899 йил 18-февраль,	№А 1588.
32	Давлат маслаҳатчиси княз Надвезяннинг рафикаси, Олга Федрович Спегова	1899 йил 18 феврал,	№А 1589.
33	Зодагон Григорий Лыбинову Стасов, Фарғона вилояти, Наманган уездда яшовчи фуқаро	1899 йил, 18 февраль,	№А 1590.
	Косан дарёсининг Ловдан ирмоғи бўйлаб, Косон кишлогидан 20 верст деб масофадаги худуд ва 2) Норин дарёси оқими бўйлаб, йўналиш Питар мавзесидан 5 верст пастда, яъни Невиповнинг уй ховлисида майдондан олтин казиб олиниши мумкинлиги хусусидаги рухсатномалар эди		

Ушбу рўйхатдаги олтин излаш учун берилган рухсатномаларда эгалари исми, рухсатнома рақами кўрсатилиб, асосан Косон ва Норин дарёси бўйларидаги худудларда олтин казиб олишга рухсат этилган.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion / Recommendations).

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Миллий Архивида сақланаётган тоғ- кон иши тарихига оид ўрганилаётган ҳужжатлардан янги маълумотлар аниқланди. Аниқланган ҳужжатлардан маълумки, мамлакатимиз фойдали қазилмаларини казиб олишга

рухсатномалар асосан икки йил муддатга берилган бўлиб, аксарият бундай рухсатномалар давлатнинг нуфузли лавозимларида ишловчи фуқароларга, зодагонларга, ҳарбийларга ва уларнинг оила аъзоларига берилган. Фойдали қазилмалар қазилган ишлари учун рухсатнома берилган маҳаллий миллат вакиллари жуда камчиликни ташкил этиб, бори ҳам аксарият рус миллатига мансуб шахслар эканлиги аниқланди. Ҳатто, баъзи қимматбаҳо металлларни казиб олиш ишларига маҳаллий аҳолига нисбатан тақиқлов сиёсати юритилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX- начало XXвв.). : Дис.. д-ра ист. наук. – Т., 1994;
2. Дудаков С . А. История горнорудного дела средневековой Ферганы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Ташкент – 1996, -18 с.

3. Авазова Х.Ш. Развитие банков и фирм в Туркестане во второй половине XIX-нач. XX вв.: Дис.. канд. ист. наук. – Т. , 1997;
4. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент. “Шарқ”, 1998., - Б. 54.
5. Мусаев Н.У. Формирование и развитие промышленного производства в Туркестане в конце XIX-нач. XX вв. Дис...д-ра . ист. наук. – Т. , 1999;
6. Жабборов М. Р. Освещение Ферганской области в « Туркестанском сборнике» Дис.. канд. ист. наук. – Т. , 2000;
7. Потапова Н. Ю. История предпринимательства в Туркестане (вторая половина XIX-начало XX вв.): Дис.. канд. ист. наук.. – Т. 2002.
8. Жамолхожи. И. Н. Фарғона водийсида нефт саноатининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи (1860-1917 йиллар). Тарих фанлари номзоди лмий даражаини олиш учун тақдим этилган дисс.- Т. 2004. – 156б.
9. ЎзР МДА И -17, оп-1, Д. 13307.
10. ЎзР МДА И -17, оп-1, Д. 13307. 4а варақ
11. ЎзР МДА И -17, оп-1, Д. 13307. 4а- 6 варақ., ЎзР МДА И -1, оп-15, Д. 91. – 12-14 об. варақлар.
12. ЎзР МДА И И-1. Оп. 26 дело 63, 1а-3об – варақлар.ЎзР МДА И И-1. Оп. 26 дело 63, 1 а- 2. варақлар
13. ЎзР МДА И-1. Оп. 26 дело 63, 1 а- 4. варақлар
14. ЎзР МДА И- 1 Оп. 13. дело 487. 1-3 об. варақлар.ЎзР МДА И- 1 Оп. 13. дело 487., 4а-4 об. варақлар.
15. ЎзР МДА И- 1 Оп. 13. дело 487., 5а-6 об. варақлар.
16. ЎзР МДА И-41. Оп-1 Д. 72, 178 варақ
17. Версть- 1 чақирим (1,06 км га тенг масофа ўлчови) // Русча- Ўзбекча луғат – Тошкент, 1983. 1 жилд. Б.-107.



УДК:950(575.1)

Абдулазизбек ЎТКИРОВ,
Тошкент давлат педагогика университети
Тарих факультети 2-босқич талабаси
E-mail: Utkirovabdulaziz@gmail.com

ТДПУ доценти в.б., т.ф.ф.д. PhD Абдуллаев Д.Н. тақризи асосида

CHARITY AND SPONSORSHIP INITIATIVE OF LOCAL RICH PEOPLE AND JADID ENLIGHTENERS IN THE LATE XIX-EARLY XX CENTURY

Abstract

This article has become a national value, analyzes the charitable and sponsorship works carried out by educated and local rich people, merchants and businessmen in socio – economic spheres in the country of Turkistan in the second half of XIX-early XX centuries. On the basis of extensive analysis of archive documents, historical sources and literature, it is proved that at the end of the XIX - early XX centuries of the history of Uzbek statehood the generous work of local rich and dynamic figures was interpreted as a period of great importance for social life.

Key words: social protection, charity, sponsorship, local rich people, jadids, Mirkomilboy, Abdulla Avlani, theater named "Turon", "Society Charity", "School Isxqiya".

БЛАГОТВОРИТЕЛЬНОСТЬ И СПОНСОРСКАЯ ИНИЦИАТИВА МЕСТНЫХ БОГАЧЕЙ И ДЖАДИДСКИХ ПРОСВЕТИТЕЛЕЙ В КОНЦЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Аннотация

Данная статья приобрела общенациональное значение, во второй половине XIX-начале XX веков в стране Туркестан в социально-экономической сфере интеллигенции и местных богачей, купцов и предпринимателей осуществлялась благотворительная, спонсорская работа. На основе обширного анализа архивных документов, исторических источников и литературы доказано, что в конце XIX - начале XX веков истории узбекской государственности щедрый труд местных богатых и динамичных деятелей трактовался как период большого значения для общественной жизни.

Ключевые слова: социальная защита, благотворительность, спонсорство, местные богачи, джадиды, Миркомилбой, Абдулла Авлани, театр имени "Турон", "Общество милосердия", "школа Исхакия".

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ БОЙЛАР ВА ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ САХОВАТ ВА ҲОМИЙЛИК ТАШАББУСИ

Аннотация

Мазкур мақолада умуммиллий кадрятларга айланган, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда зиёли ва маҳаллий бойлар, савдогар ҳамда ишбилармонлар томонидан амалга оширилган хайрия, ҳомийлик ишлари таҳлил этилган. Архив ҳужжатлари, тарихий манбалар ҳамда адабиётларни кенг таҳлил қилиш асосида ўзбек давлатчилиқ тарихининг XIX аср охири – XX аср бошларида маҳаллий бойлар ва жадид намоёндаларининг саховатпешалиқ ишлари ижтимоий ҳаёт учун нақадар аҳамиятга молик бўлган давр сифатида изоҳланиши далилланган.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, хайрия, ҳомийлик, маҳаллий бойлар, жадидлар, Миркомилбой, Абдулла Авлоний, "Турон" номли театр, «Жамияти хайрия», «Мақтаби Исҳоқия».

Қириш. Тарихий илдизлари ўтмишга бориб тақалган халқимизнинг миллий кадрятлари ҳисобланган ижтимоий ҳимоя тизимидаги хайрия, меҳрмурувват, саҳийлик, ҳомийлик масалалари Ўзбекистон тарихининг турли даврларида турлича қарашлар, ёндашувлар асосида шаклланиб келди. Бу жараён халқимиз менталитетига хос фазилатлардан саналиб, аждодларимизнинг феъл-атвори, турмуш тарзи, хатти-ҳаракатида намоён бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мавзунини тадқиқ этишда Абдурашидхонов М., А.Авлоний, Добросмыслов А.И., Қосимов Б., Абдирашидов З., Шодмонова С.Б., Абдуллаев Д.Н., Тайронов Ё., Номозова К. каби олимларнинг асарлари ва илмий изланишлари қиёсий таҳлил этилди. Хайрия ва ҳомийлик анъаналари тарихимизнинг турли даврларида турлича номланиб, ривожланиб келган. Масалан,

илқ ўрта асрлар даврида хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши натижасида ортиқча маблағнинг мақсадли сарфланганлиги, ўрта асрлар ва хонлиқлар даврида вақф мулкчилиги тизимида, мустамлакачилик тизими даврида Туркистонда меценатлар ҳаётида шунингдек, хайрия жамиятлари, муассасалари фаолиятида, совет даврида ўзаро бағрикенглик, инсонпарварлик кўринишларида (айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида) намоён бўлгани [1] ҳеч кимга сир эмас. Туркистон ўлкаси XIX аср охири - XX аср бошларида мустамлакачилик сиёсати оқибатида сиёсий, маданий, иқтисодий таназзулга юз тутганлиги даврнинг салбий жиҳатини акс эттирди. Ўлканинг илғор зиёлилари Россия империяси истибодидан қутулиш, миллатни уйғотиш, нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий тараккиёт сари йўл очиш, халққа зиё тарқатиш мақсадида маърифатпарварлик ҳаракатига

асос солдилар. Бу ҳаракат билан Туркистонда янги уйғониш даври бошланди. Бу эса даврнинг ижобий, ютуғли томони эди.

Тадқиқот методологияси. Туркистон ўлкасида маҳаллий аҳолидан кўнгилли шахслар ўз маблагларини масжидлар, мактаблар, кўприклар, йўллар қурилишига сарф қилган. Масалан, Тошкентнинг обрўли бойларидан бири саналган Мираъзам Мироҳунов аҳолига хайрия сифатида 2500 олтин ҳисобидаги ипак курти уругини тақдим қилган, шаҳарнинг бошқа савдогари Исҳоқхонбой Тошкентнинг мусулмонлар яшайдиган қисми қурилишига 1000 рубль (р.) сарф қилган, андижонлик Миркомилбой Мўминбоев Култөпа шаҳрида 100 нафар талаба учун мадраса, 100 нафар ўқувчи учун рус-тузем мактаби, касалхона ва 2 та ҳаммом қуриш учун 500 минг р. эҳсон қилган [2]. Бундай тадбирлар нафақат маҳаллий сармоядор вакиллар томонидан балки, ўша даврнинг кўзга кўринган илм-аҳли, зиёлилар ҳисобланган жадид маърифатпарварлари томонидан ҳам кенг йўлга қўйилган эди. Мана шундай зиёли қатлам вакили, жадид маърифатпарвари, барчамиз учун намуна бўлган, XIX аср охири XX аср бошидаги ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакиллари билан бири, миллат виждони, атоқли маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби, меценат Абдулла Авлоний эди.

Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг эски шаҳар Шайхонтохур (Шайхантавур) даҳаси Мерганча маҳалласида оддий ҳол бир оилада туғилган. Абдулланинг отасининг исми Миравлон, онасининг исми Фотима бўлиб, отаси тўқувчилик (бўзчилик) касби билан Ярманка бозорида ёймачилик қилиб бўз ва чит билан савдочилик ишлари билан машғул бўлган [3]. 1885-1890 йилларда Авлоний бошланғич мактабда ўқиб, дастлабки хат-саводни ўқчи маҳаллада Ақромхон домладан ўрганган. Авлоний ўз таржимаи ҳолида ёшлик давридаги йўқчилик, қийинчилик даврини хотирлаб шундай дейди: "...шул вақтларда (11-12 ёшимда) отам мени хатна тўй қилиб, қўлидаги бор-йўғидан айрилиб, фақир холга тушиб қолади. ... Ёшим 13 га етгач, йўқсулик менга таъсир қилди. Ёз кунларида мардикорлик қилиб, ота-онамга бироз ёрдамда бўлиб, қиш кунлари ўқир эдим..." [3]. Авлоний 14 ёшга тўлганда Шайхонтохурдаги Абдумаликбой мадрасасига келиб, Мулло Умар Охундан дарс ўқий бошлаган. 1894 йилдан бошлаб шеър ёзишга киришган. 18 ёшга тўлгач, Авлоний мардикорликдан қутулиб, усталик даражасига эришиб, ғишт устачилиги, сувоқчилик, печкачилик, дурадгорлик каби ҳунарлар билан шуғулланди. Отаси вафотидан сўнг 1900 йилда уйланиб, оила бошлиғи зиммаси юклангач меҳнат қилиш маъсулияти икки баробар ошди. Шу воқтларда шоир меҳнат ичида улғайганлиги боис бойларга ва муллаларга қарши шеърлар ёза бошлади. У мадрасани тўлиқ тугатмасдан тарк этишга мажбур бўлди лекин маориф ишларини ўзлаштиришда давом этди. Турли газеталар, ўша даврда Россиянинг турли шаҳарларида чиққан матбуот-газета ва журналлар билан танишиб, маълумотини оширди. Уша даврларда ерли халқлар орасида эскилик-янгилик (жадид-қадим) атамаси шакланган пайтда Авлоний жадидчилар сафига қўшилди ва 1904 йилдан жадидлар жамоасида ишлашни бошлади. Ўз ташаббуси билан "Жадид мактаби"ни очиб ўқувчилик қила бошлади. 1906 йилда "Тараққий", "Хуршид" газеталари бир неча йиллик

фаолиятини тўхтатгач, 1907 йилда Авлоний ташаббуси билан Сапёрний кўчасида "Шухрат" газетаси чиқа бошлади. Таҳрират ишларида унга қозонлик татар Рафиқ Собиров ёрдам бериб турди. Кейинчалик газетанинг фаолияти 10 сондан кейин қўллаб таъзийқлардан сўнг тўхтатилди. Авлоний бу билан тўхтаб қолмади, яъни 1908 йил шериги, ёзувчи Аҳмаджон Бектемиров номига "Осиё" газетасига рухсат олиб, ўз уйига газета идорасини ўрнатиб яна ишлашда давом этди. Афсуски, газета фаолияти 6 сондан сўнг ҳукумат томонидан тўхтатилди. Авлоний бундан ҳам умидини узмасдан 1908 йилнинг ўзида Мирободда янги усул мактабини очиб, муаллимликни давом эттирди [3]. Маърифатпарвар жадид нафақат илм, дарс, маориф ишлари билан балки муҳтож, ғариб, ночорларга ёрдам бериш, ёшларни маърифатли қилишда хорижга ўқишга юбориш учун қўмаклашиш каби хайрли ишлар билан ҳам шуғулланиб, жамият ташкил этган. Масалан, Абдулла Авлоний ўзининг таржимаи ҳолида келтирган маълумотларига қўра, биз унинг Туркистон халқининг бирлигини таъминлаш ва ёш авлодни маърифатли қилиш борасида бир неча ўртоғи билан 1909 йил 12 майда «Жамияти хайрия» очганлигига гувоҳ бўламиз [4]. Жамият ташкил қилинган, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Нор-бўтабеков каби ҳуқуқшунослар томонидан жамиятнинг 41 моддадан иборат низоми ишлаб чиқилган [5]. Аҳамиятли жихати шуки, «Жамияти хайрия» ташкилотининг асосий вазифалари қаторида аҳолининг барча қатламларини ўқитиш учун мактаблар ташкил қилиш, камбағал болалар ва етимларга ҳомийлик қилиш, турли меҳрибонлик уйлари ташкил қилиш, талабаларга ёрдам кўрсатиш белгиланган. Манбаларда келтирилишича, жамиятнинг ҳақиқий аъзолари йилига 6 р., аъзо-ходимлар эса 1 р. 50 коп. тўлаган. 1910 йил 1 июлга кўра жамият аъзолар сони 300 га яқин бўлган. Ўша вақтда жамият маблағи 4000 р. дан ошган. Дастлабки ташкил қилинган пайтда 500 р. гача сарфланган ва камбағалларга 200 р. берилган. Нафақалар миқдори 2 р. дан 5 р. гача, ўқувчиларга эса ўқитувчиларга таълим учун тўлашларига ойига 50 коп. берилган [6]. Жамият талабаларни чет элларда ўқитиш ишларига ҳам ҳомийлик кўрсатган. Унинг қўмағида ёшлар Россия империясининг Петербург, Саратов, Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларидаги олий мактаб ва мадрасаларига, шунингдек, Истанбул, Қоҳира каби хорижий шаҳарлардаги дорилфунунларга ўқишга жўнатилган. Масалан, 1910 йилда бу жамиятнинг ёрдами билан бир гуруҳ ёшлар Уфадаги «Олия» [4] Оренбургдаги «Хусайния» (1890) [4] мадрасаларида ўқиган. Авлоний ўз таржимаи ҳолида, 1915 йилда Тошкентда чиқувчи "Садои Туркистон" газетасига муҳаррирлик қилган вақтларда низом асосида яна хайрия жамияти тузганлигини, мактабларга, етим ва ғарибларга ёрдам қилиб келинганини таъкидлайди [3]. 1903 йилда «Жамияти хайрия» фойдаси учун театр ташкил қилиниб, 966 р. тўпланиб, 313 р. театр труппасига, 589 р. жамиятга топширилган [2]. Абдулла Авлоний ижодий фаолиятини ёритар эканмиз, унинг 1913 йилдан бошлаб халқни маданиятли қилиш мақсадида театр соҳасига киришиб, бошлиқ сифатида Туркистоннинг бир неча шаҳарларига бориб, театр соҳасини ривожлантиришга интилди. Масалан, маърифатпарвар томонидан 10 га яқин озарбойжон пьесалари ўзбекчага таржима қилиниб, сахналанган

тирилган, шунингдек, ўзи 3 та пьеса ёзиб, “Турон” номли театр хайрия жамиятига асос солди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқ қилиш жараёнида Абдулла Авлоний каби бир нечта меценатларни ишларини ўргандик. Улардан бири савдогар Исоқхонбой Тошкентнинг мусулмонлар яшайдиган қисми қурилишига 1000 рубль (р.) сарф қилган, андижонлик Миркомилбой Мўминбоев Култөпа шаҳрида 100 нафар талаба учун мадраса, 100 нафар ўқувчи учун рус-тузем мактаби, касалхона ва 2 та ҳаммом қуриш учун 500 минг р. эҳсон қилган [2]. Наманганда Ибрат домла Наманган уездининг Тўрақўрғон участкаси қозиси бўлиб ишлаган даврда, 1907 йил июнда, ўз ҳисобидан 1000 р. ни 50 ўқувчига мослаб «Мактаби Исоқия» мактабини очишга сарфлаган [7]. 1914 йилда наманганлик бойлардан Исоқжон Мирсолиҳбой ўғил фарзандига хатна тўйи қилишда тужжорлар (савдогарлар) билан маслаҳатланган ҳолда тўйга сарфланадиган пулдан 2000 р. ни мактаб ўқувчилари учун мевалик, боғ яратишга ва мактаб эҳтиёжларига сарфлашга қарор қилган [8]. Бунга ўхшаш хайри ишни Мунаввар Алифкор амалга оширган, у ўғлига хатна тўйи ўтказишда сарфхаражатни камайтириб, шу пулларга мактаб қурдирган [9]. Халқни келажагига бефарқ бўлмаган инсонлардан яна Саидқарим Саидазимбой ўғли, Орифхўжа Азизхўжа ўғли, Мақсудхўжа Отахўжа ўғли, Абдували Абдукомилбой ўғли, Мирзо Абдуллоҳ хожи Муҳаммадбой ўғли, Маҳмуджон Шоқир хожи ўғли,

Орифхўжа Эшон, Амхоқбой Абдуалиев каби маҳаллий сармоядорлар ўз маблағларидан бева-бечоралар ва тарбияга муҳтож, ота-онасидан айрилган болалар фойдасига инъомлар беришган шунингдек, ўлкада ташкил этилган хайрия муассасаларига ўз маблағлари билан ҳомийлик қўрсатганлар. Шу билан бирга, XX аср бошларида савдогарлар учун махсус мактабларни ташкил қилишга ҳам ҳомийлик қилинган. Шунингдек, Тошкент шаҳрида 1907 йил 30 августда савдогарлар мактаби очилганини бунга мисол қилиб қўрсатиш мумкин [10]. Албатта, Туркистон ўлкасида ушбу анъаналар маҳаллий зиёлилар, жадидлар, аҳолининг бой қатлам вакиллари, савдогар ва ишбилармонлар томонидан кенг қўламда давом эттирилиб, жамиятнинг у ёки бу соҳасида тараққий этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Хулоса ва тақлифлар. Хулоса қилиб айтганда, умумбашарий ҳамда миллий характер касб этувчи хайрия ва ҳомийлик қадриятлари азал-азалдан шаклланган бўлиб, унинг ривожланиш тарихи янгича кўринишларда бугунги кунгача етиб келмоқда. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида олиб борилган хайрия ва ҳомийлик фаолияти илм-фан, маданият, хўжалик, ободонлаштириш соҳаларида олиб борилганлиги манбалар асосида таҳлил қилинди. Ушбу қадриятлар тарихини ва натижасини Республика микёсида тадқиқ этиш уни кенг жамоатчиликка етказиш ишлари долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Д.Н. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи (XIX аср иккинчи - XX аср бошлари). Тошкент: “Innovatsiya-Ziyo” нашриёти, 2019. – Б. 159.
2. Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете «Таржуман» (1883-1917). – Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 215.
3. Абдулла Авлоний Танланган асарлар: 2-жилд. 2-нашри – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – Б. 287.
4. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. - Б. 102.
5. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 22-23.
6. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типо-лит. О.А. Порцева, 1912. – С. 520.
7. Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. - Тошкент: Турон-икбол, 2010. - Б. 168
8. Шодмонова С.Б. Туркистон тарихи - матбуот кўзгусида (1870 – 1917 йиллар) / С.Шодмонова; ЎЗР ФА тарих институти. – Тошкент: Yangi nashr, 2011.
9. Наманганда тўйларнинг ислоҳи ва мактаб // Садои Фарғона. – 1914
10. Тайронов Ё. XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги маҳаллий тадбиркорларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти. // «Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар» Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. Тошкент, 2009.



Шарофиддин ШОМУРОТОВ,

Қўқон давлат педагогика институтини ўқитувчиси
E-mail: sharofiddin.shomurotov@gmail.com

Қўқон ДПИ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Бозоров О.О. тақризи асосида

MEASURES TAKEN TO DEVELOP THE IRRIGATION SYSTEM IN THE COUNTRY

Abstract

After the independence of Uzbekistan, as in all areas, the water management system has undergone significant reforms and a number of measures. Today, in the irrigation system of the republic, special attention is paid to the rational and economical use of water resources, and the process of modernization in this area is gradually improving from year to year. It was during this period that a number of decisions, laws were developed and implemented in order to develop the system and legally guarantee it. The article describes the decisions on the development of the water management system in Uzbekistan, ways of efficient use of water resources and the ongoing reforms in agriculture.

Key words: water resources, decision, land reclamation and irrigation, investment projects, reservoirs, drainage and collectors, reform.

ПРИНЯТЫЕ МЕРЫ ПО РАЗВИТИЮ ИРРИГАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ В СТРАНЕ

Аннотация

После обретения Узбекистаном независимости, как и во всех сферах, в системе управления водными ресурсами были предприняты значительные реформы и ряд мер. Сегодня в оросительной системе республики особое внимание уделяется рациональному и экономному использованию водных ресурсов, и процесс модернизации в этой сфере из года в год постепенно улучшается. Именно в этот период был разработан и реализован ряд решений, законов, направленных на развитие системы и ее юридические гарантии. В статье описаны решения по развитию системы управления водными ресурсами в Узбекистане, способы эффективного использования водных ресурсов и проводимые реформы в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: водные ресурсы, решение, мелиорация и орошение, инвестиционные проекты, водохранилища, дренаж и коллекторы, реформа.

РЕСПУБЛИКАДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Аннотация

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби сув хўжалиги тизимида ҳам муҳим ислохот ва бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда республика суғориш тизимида сув ресурсларидан оқилона ва тежамли усулда фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳадаги модернизация жараёнлари йилдан-йилга, аста-секин такомиллаштирилмоқда. Айнан шу даврда тизимни тараққий эттириш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш мақсадида бир қанча қарорлар, қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқди. Мақолада Ўзбекистонда сув хўжалиги тизимини ривожлантиришга оид қарорлар, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари ва қишлоқ хўжалигида амалга татбиқ этилаётган изчил ислохотлар ёритиб берилди.

Калит сўзлар: сув ресурслари, қарор, мелиорация ва ирригация, инвестицион лойиҳалар, сув омбори, дренаж ва коллекторлар, ислохот.

Кириш. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган айти пайтда дунё микёсида ирригация тизимини интенсив равишда ривожлантириш, сув хўжалигини самарали бошқариш ва суғориш инфраструктурасини такомиллаштириш, деҳқончиликда агротехник тадбирларни қўллаш, суғорма ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича инновацияларни татбиқ этиш, сув ресурсларидан тежамли ва оқилона тарзда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, аграр ва саноат ишлаб чиқариши, ижтимоий ҳаёт ривожланишининг асосини, шубҳасиз, сув хўжалиги тизими ташкил этади. Зеро, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг тараққий этиши бевосита ирригация-мелиорация соҳалари билан узвий боғлиқдир.

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Фармонининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича устувор йўналишларида суғориш тизими модернизациясига оид фикрлар мавжуд бўлиб, жумладан, унда «суғорма майдонларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш, ирригация иншоотларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир интенсив усулларни, биринчи навбатда, сув ҳамда ресурсларни тежайдиган илғор агротехнологияларни татбиқ этиш ва унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан самарали равишда фойдаланиш» каби вазифаларни тизимли асосда бажариш белгилаб қўйилган [1].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлан-

тириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади:

-734,9 км. магистрал, туманлараро, хўжаликлараро коллекторларни, 348,3 км. ёпик-ётиқ дренаж тизимларини, 6 та мелиоратив насос станцияларини, 79 та мелиоратив тик кудукни, 131 та мелиоратив объектдаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш;

-14537,2 км. очик коллекторларни, 1330,5 км. ёпик-ётиқ дренаж тармоқларини, 15 дона мелиоратив насос станциясини, 791 дона мелиоратив тик кудукларни, 2277 дона мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш;

-500 км. каналларни, 74 км. суғориш лоток тизимини, 106 дона гидротехник иншоотни, 10 км. босимли сув қувурларини, сифими 625 млн. м. кубга тенг бўлган сув омборларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 0,5 км. қирғоқбўйи минтақасини муҳофаза қилиш ва химоялаш;

-142 та мелиоратив техника ва жиҳозларни сув хўжалигида ихтисослашган пудрат ташкилотларига лизинг орқали етказиш;

-«2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури» доирасида амалга оширилган ишларнинг самардорлигини танқидий ўрганиш асосида «2018-2022 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури» лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Бу тадбирларга жами 905 000 млн. сўм, шу жумладан, 457 273 млн. сўм давлат бюджети маблағларини сарфлаш белгиланди. Мазкур ишлар натижасида 270,5 минг га суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш, 276,2 минг га суғориладиган ерни сув билан кафолатли таъминлашга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури» га асосан 2013-2017 йилларда жами 104 600 га майдонда суғоришнинг замонавий усулларини жорий этиш кўзда тутилди. Маълумотларга кўра, республикада 2011-2015 йилларда жами 47356 га экин майдонларида томчилатиб суғориш, 18418 га да қўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш технологиялари жорий этилди. Ҳаракатлар стратегияси бўйича суғоришнинг илғор технологияларини жорий этиш ишлари тизимли равишда давом эттирилди ва бу глобал сув танқислиги шароитида экинларни сув билан таъминлаш ва ҳосилдорликни ортиб боришига қўмақ беради. 2017 йил 20 апрелдаги Ўзбекистон Президентининг «2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида» ги қабул қилинган қароридан юқорида кўрсатилган йиллар мобайнида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимида муҳим ўзгаришлар қўллаш ҳамда бу соҳада модернизациялашни йўлга қўйиш, сув таъминоти соҳасида тегишли ахборот технологияларини қўллаш мақсади белгиланди.

Шунингдек, мазкур қарорда кейинги олти йилнинг ўзида 13 минг км. га яқин бўлган муҳим сув қувурлари ва водопровод тармоқлари, 1,6 мингдан кўпроқ сув чиқариш кудуклари, 1,4 мингга сув ресурслари босимини ҳосил қиладиган янги минора ва резервуарлар қурилди ҳамда реконструкция қилиниши йўлга қўйилди. Натижада, халқаро молия ташкилотларининг тегишли грантлари ва мақсадли кредитларини жалб этиш ҳисобига, ичимлик суви билан таъминланмаган қўпгина аҳоли пунктлари сифати ва хавфсизлиги бўйича замонавий талабларга мос қиладиган сув билан таъминланди.

Айрим минтақаларни, энг аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларини сифатли ичимлик суви билан таъминлашнинг бир қанча ечилмаган муаммолари ҳамон сақланиб қолганлиги ҳам қарорда эътироф этилди.

2017 йилнинг 4 майида Республика Президентининг «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилиниб, ундаги асосий диққат-эътибор табиий сув ресурсларидан тежамли усулда фойдаланиш, сарфланаётган сув ресурслари ҳажминини тегишли тарзда ҳисобга олишни йўлга қўйиш, уларнинг ифлосланиши ва тақчиллигини олдини олиш ва химоялашга бевосита эътибор қаратилди.

Ушбу қарорда баъзи ҳудудлардаги ер усти сув захираларини чиқариш тармоқлари ҳамда кўплаб дренажларнинг ишламаслиги ва ишлайдиган дренаж тармоқларининг қоникарсиз ҳолатда эканлиги, ер ости сизот сувлари сатҳининг интенсив равишда кўтарилиши, шунингдек, бу ерда режали равишда маҳсус гидрогеологик текшириш олиб борилмаганлиги натижасида кўплаб шаҳарлар ва бошқа аҳоли турар-жойларида ер ости сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши кузатилгани, унинг салбий жиҳатлари таъкидлаб ўтилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз тарихини ҳолисона ва илмий тарзда тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, ўтмиш тарихига муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Бир қатор тарихий мавзулар сирасида, тарихан шаклланиб келган ирригация тизими ҳамда суғорма дехкончилик маданияти тарихини назарий-концептуал ёндашув асосида ҳаққоний ўрганишга алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича устувор йўналишларида «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш» каби муҳим вазифалар белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда сув хўжалиги тизими тарихининг замонавий даврини тадқиқ этиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Орол-бўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги

ҳамда 2017 йил 4 августдаги ПФ-5134-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мақоладаги фикрлар муайян даражада хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикасининг Тўпланган қонунчилиги. -№6.-Тошкент: Адолат, 2017. -Б.25-150.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги 176-сонли "Томчилатиб суғориш ва бошқа сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари. №6.-Тошкент: Адолат, 2013 йил 1-июл 8-14 б
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги 39-сонли "2013-2017 йилларда суғориладиган эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги. пакет. -№9. -Тошкент: Адолат, 2014. -С.64-76.
4. Маҳмудов О. Сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш ҳаётий зарурият // Ўзбекистон овози, 2013 йил 28 март
5. Бойназаров Д. Мелиорация ва агротехник тадбирлар // Халқ сўзи, 2014 йил 26 февраль
6. w.w.w.lex.uz.
7. w.w.w.norma.uz



Дурбек ЭШБЕКОВ,
Ўзбекистон Миллий университети магистранти
E-mail: d.eshbekov@mail.ru

ЎзМУ проф. в.б., т.ф.н. Холиқулов А.Б. тақризи асосида

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИНИГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Аннотация

Мақолада Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан ҳисобланган парламент фаолиятини такомиллаштиришга оид масалалар, ислохотлар жараёни таҳлил қилинган. Шунингдек, мамлакат тараққиётининг янги босқичида ислохотларни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда давлат ҳокимияти органларининг, хусусан, Парламентнинг роли алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ёритилган.

Калит сўзлар: парламент, стратегия, ислохот, қонун ижодкорлиги, депутат сўрови.

УЛУЧШЕНИЕ ПАРЛАМЕНТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация

В статье анализируется процесс реформ, вопросы, связанные с совершенствованием парламентской деятельности, которые входят в число приоритетов стратегии действий. Подчеркивается роль органов государственной власти, в частности, Парламента, в организационно-правовом обеспечении реформ на новом этапе развития страны.

Ключевые слова: парламент, стратегия, реформа, законотворчество, депутатский запрос.

IMPROVEMENT OF PARLIAMENTARY ACTIVITY

Abstract

The article analyzes the process of reform, issues related to improving parliamentary activities, which are among the priorities of the action strategy. The role of government bodies, in particular, the Parliament, in the organizational and legal support of reforms at a new stage of the country's development is emphasized.

Key words: parliament, strategy, reform, lawmaking, MP inquiry.

Кириш. Мамлакат тараққиётининг янги босқичида ислохотларни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда давлат ҳокимияти органларининг, хусусан, Қонунчилик палатасининг роли алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, депутатлар қабул қилаётган қонун ва қарорлар нафақат ислохотларни ҳуқуқий таъминлашга, балки Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишлари тўлиқ ва оғишмай бажарилишига хизмат қиладиган ҳуқуқий асослардир. Шу боисдан Президент парламент фаолиятига катта эътибор бериб, уни борган сари янги демократик мазмун билан бойитиб бориш, ҳозирги шиддатли ривожланиш жараёнлари илгари сураётган жамият ва давлат олдида турган стратегик вазифаларни бажаришга салоҳиётли бўлиши борасида жиддий талаблар қўймоқда [6].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан ўтказиляётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолиятини илғор демократик ва миллий ёндашувлар асосида амалга ошириш ҳамда туғридан- туғри амал қиладиган қонунлар яратишдек модернизация босқичига олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Президентмиз Ш.М. Мирзиёевнинг “Мамлакатимиз Асосий қонунининг 78-моддасига мувофиқ, мамлакатни модернизация қилиш, жамиятини ислоҳ этиш ва демократлаштиришни таъминлашда муҳим ўрин ва жавобгарлик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига юкланган” [1] деб айтган фикрлари ҳам

миллий парламент давлатлат ривожланиши ва тараққий этиши учун катта аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Парламентга тааллуқли янги концептуал, яъни умум раҳбарий таклиф ва тавсиялар муҳим тарихий ҳужжат бўлган Президентнинг Олий Мажлисга қилган 2018 йилги Мурожаатномасида яққол ўз ифодасини топган бўлиб, уларни амалга ошириш бўйича тегишли Давлат дастури қабул қилинган. Мурожаатнома раҳбарий ҳолатларидан келиб чиқиб, қонунчилик палатаси депутатлари ўз иш фаолиятларини давлат раҳбари олға сураётган ривожланиш тамойиллари, яъни халқ билан мулоқот ҳамда инсонни ҳаётдан рози бўлиб яшаш тамойилларини рўёбга чиқариш борасидаги ишларга муносиб ҳисса қўшишни устувор деб белгилагандир.

Мурожаатномада энг аввало парламентнинг қонунлар қабул қилиш борасидаги фаолиятини кучайтириш тўғрисида фикр билдирилганда, бу масаланинг устувор, деб қаралиишда алоҳида маъно бор: Ўзбекистонда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, бунёдкорлик ҳамда халқни сафарбар қилиш ва ҳимоялаш ишларининг суръати жуда кучли бўлгани учун уларни қонунлар билан тартибга солиш даражаси ҳам шунга мос бўлиши керак.

Тадқиқот методологияси. Ислохотлар қонунлар ижодкорлиги фаолиятини янги сифат ва мазмунда амалга оширишни талаб қалади. Шунини таъкидлаш керакки, мазкур ҳолатни ҳисобга олган ҳолда кейинги пайтларда Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иш ҳажмининг кўпайиши унинг

такомиллашуви натижаларини баҳолаш талабларининг кучайиши, шунингдек ушбу жараёнларда халқ иштирокининг фоллашуви нуқти назардан катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бундай туб ўзгаришларни киска қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин.

Биринчидан, қонунчилик палатасига қонун лойиҳалари келиб тушиши (ташаббус қилиниши) ҳажмининг ошганлиги сабабли уларни кўриб чиқиш, маромига етказиш (тайёрлаш) ва қабул қилиш ишлари илгариги даврларга қараганда бир неча бараварга кўпайди. Таққослаб кўрайлик: агар 2016 йилда 61 та лойиҳа устида иш олиб борилиб, шулардан 49 таси қабул қилинган бўлса, 2018 йилда 173 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борилиб, шулардан 135 таси қабул қилинган.

Иккинчидан, палатада ҳозирда амалга оширилмайдиган ишларнинг асосий қисмини қонун лойиҳаларни кўриб чиқиш ва маромга етказиш жараёнлари ташкил этмоқда. Бу масалаларда иш ҳажмининг ошириб кетишига палатага келиб тушаётган қонун лойиҳаларининг ҳозирги замон талабларидан орқадалиги, қонунлар тартибга солиши керак бўлган муносабатларни лойиҳа яратганлар томонидан теран англаб етмаганлиги, қонунчилик техникаси талаблари нуқтаи назардан хомлиги ва бошқалар сабаб булмоқда. Оқибатда келиб тушган лойиҳаларнинг 60-85 фоизгача бўлган қисми палата кўмиталари, фракциялари томонидан қайта ишланиб, биринчи ўқишга олиб чиқилмоқда.

Учинчидан, келиб тушган қонун лойиҳасини “ўтказиш”, яъни қабул қилиш механизмлари ҳозирда янгича тус олган бўлиб, уларнинг мавжудлигининг ўзи демократик ютуқ ҳисобланади. Аммо бундай ютуқ осонликча қўлга киритилмайди. Лойиҳаларни “ўтказиш” амалда бир қанча қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишни талаб этади. Чунки, лойиҳалар ўз позициясига эга бўлган, ҳар бир депутат ва партия фракцияларининг чақириқларидан ўтиши табиий жараёндир.

Тўртинчидан, Қонунчилик палатасига яна битта янги қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокама-сидан ўтказишнинг янгича ташкилий шакллари жорий этилмоқда. Эндиликда муҳокамалар интернет тармоқларидан ташқари бевосита депутатлар томонидан жойларга чиқиб амалга оширилмоқда. Бундан ташқари депутатларнинг ОАВ қонун лойиҳаларини муҳокама-сига бағишланган чиқишлари олдинги йилларга қараганда бир неча баробар ўсганлиги палатага янгича мазмун бахш этаётганлиги бу борада айниқса сиёсий партиялар ва депутатлар фракцияларнинг ролини алоҳида таъкидлаш лозим. Илгари лойиҳалар палата тузилмаларида қайта ишланган бўлса эндиликда улар нафақат ички тайёрлов баълки жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қайта ишловдан ўтмоқда. Жамоатчилик таклифларига катта эътибор берилиб, улар умумлайштирилиб ва кизгин мунозалар объектига айланмоқда. Жамоатчилик муҳокамаснинг аҳамияти кучайганлиги сабабли айрим лойиҳалар муҳокамадан сўнг, уни киритган давлат органларига қайтариш ҳолати юз берди. Масалан ҳозирда 9 та қонун лойиҳаси жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланди. 3 та қонун лойиҳасини эса қонунчилик ташаббускор субъектларнинг ўзлари чақириб олишди.

Бешинчидан, қонунларни сифатини ошириш яни тўғридан тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш борасида Президентимиз томонидан илгари сурилатган топширик ва вазифаларга катта эътибор

берилмоқда. Ҳозирда қонунчилик палатасида бу масала бўйича махсус комиссия ишламоқда. Унинг иш режасига мустақиллигимизнинг дастлабки 10 йиллик-ларида қабул қилинган ҳамда мазмуни асосан умумий қоидалар ва ҳаволаки нормалардан иборат бўлган бутунлай янги тахрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси киритилган.

Таҳлил ва натижалар. Қабул қилинадиган қонунларнинг бундай сифатга эришиш учун биринчи навбатда амалдаги қонуности ҳужжатларнинг маълум қисмини қонунларга кўчириш лозим бўлади. Юридик тилда бу қонуности ҳужжатлар қоидаларини қонунда нормаларига айлантириш, деб аталади. Бу қонун чиқаришда иштирок этадиганлардан юксак маҳорат, ҳуқуқий зийраклик ва катта ҳажмдаги меҳнатни талаб қилади. Бундай иш керакли миқдорда махсус юридик ихтисосликка эга бўлган ходимлар ва экспертларни жалб этишни тақозо этади. Шу боис Қонунчилик палатаси Девони юридик бўлимининг салоҳиятини кучайтириш асосий мақсаддан бири ҳисобланади. Зеро тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар қабул қилиниши жорий этиш инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини ҳуқуқий кафолатлаш ва уни реал ҳаётда таъминлаш йўлидаги дадил қадамлардан бири сифатида қаралади.

Бинобарин тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар палата иш фаолиятини бир неча баравар кучайтиришни тақозо этади. Ҳозирда қонунчилик палатасида меҳнат қилаётган депутатлар, партия фракциялари ва ходимларнинг ўз вазифаларига маъсулият ва виждонан ёндашаётганлиги муҳим омилдир. Албатта, бундай тадрижий ўзгариш қонунчилик палатаси ҳамда қонун ижодкорлигига алоқадор бўлган барча давлат органларининг иштироки жуда муҳимдир. Айниқса демократик ва фуқаролик жамияти институтларининг қўллаб қувватлаши умумий ишнинг натижадорлигини таъминлашга ҳизмат қилади.

Парламент фаолияти амалда самарали тарзда кечаётганлигини кўрсатувчи яна бир ҳолат - қонун лойиҳаларини депутатлар томонидан ташаббус асосида киритишдир. Сир эмаски бу масала кўп йиллар давомида оқсаб келмоқда эди. Давлат раҳбари ҳам бу масалага 2017 йилги Мурожаатномада алоҳида эътибор бериб, 136 та қонунчилик ташаббусидан 27 таси депутатларга тегишли эканлигини айтиб ўтидилар [5]. Бироқ депутатлар томонидан қонун лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва киритишга доир фаолияти масаласини 2018 йилда ҳам яхши деб бўлмайди. Чунки бу борада сифатли ўсиш сезилмапти. Шу боис соҳада аҳволини яхшилаш учун депутатларни рағбатлантирувчи чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Парламент фаолиятида сўнги икки-уч йилларда юз берган катта ўзгаришлар парламент назоратини кучайтиришга қаратилган янги механизмларни жорий этилганлигидир. Назоратни кучайтириш масаласига тўхталганда, аввало бу жараён асло парламентнинг ҳукумат давлат органлари ёки нодавлат ташкилотларни назорат қилиш ёхуд улардан устуңлигини таъминлашга қаратилмайди.

Ҳозирда қонунчилик палатасида парламент назоратининг қуйидаги шакллари амалга оширилади. а) парламент эшитуви; б) “Ҳукумат соати”; в) парламент кўмита фракция сўрови; г) депутат сўрови; д) палатадаги кўмиталар, комиссиялар ва депутатлар бирлашмаларининг қонунларни ижросини ўрганиш.

Эндиликда парламент назоратининг қамрови кенгайиб бормоқда. Назорат объектларига ҳукумат ва унинг тузилмаларидан ташқари республика нодавлат нотижорат ташкилотлари хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдорлари ҳамда бошқаларнинг киритилиши қонунчилик палатаси том маънода тараққиётимизнинг янги bosқичига ўтганлигини билдиради.

Парламент эшитуви деганда Қонунчилик палатаси мажлисида бирорбир давлат органининг ўз ваколатига тааллуқли масала бўйича ҳисоботини эшитиш ва тегишли қарор чиқариш тушунилади. Қарорда ҳукумат аъзоларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар бўлиши, шунингдек уларнинг ишига баҳо берилиши мумкин. Қонунчилик палатасининг ҳукумат аъзолари ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилган қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилиши диққатга сазовордир.

Парламент эшитуви кўпинча давлат бюджетига (бир йиллик, ярим, чорак йиллик бажарилиши) тааллуқли масала бўйича тегишли мутасадди вазир ёки вазир ўринбосари томонидан ахборот бериш амалиёти тарзида ўтказилади. Бундан ташқари парламент эшитувида аҳолининг соғлигини сақлаш, уни ижтимоий ҳимоя қилиш, экология муаммолари, маданий-маърифий масалалар билан шуғулланадиган ҳукумат аъзоларининг ҳам ҳисоботи эшитиб турилади. 2018 йилда 16 та шу тарзда парламент эшитуви ўтказилди.

Парламент назорати шакллари ичида “Ҳукумат соати”, яъни ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш ва муҳокома қилиш алоҳида аҳамият касб этади. “Ҳукумат соати”нинг мақсади одамларни қизиқтираётган масалалар бўйича саволларни бевосита ҳукумат аъзосининг ўзига айтиш, унинг ёки у раҳбарлик қилаётган идоранинг хато-камчиликларини кўрсатиш, зарур тушунтиришлар беришни талаб қилиш ҳамда ўзаро позицияларни мақбуллаштиришдан иборатдир.

Шу ўринда парламент назоратининг парламент эшитуви билан “Ҳукумат соати” каби назорат шакллари ўртасидаги фарқни қайд этиш ўринлидир. “Ҳукумат соати” сиёсий партиялар фракцияларининг жойлардаги .. муаммолар, депутатларнинг фуқаролар мурожаатлари асосида тузган саволларига ҳукумат аъзоларининг парламентда жавоб бериши жараёнидир.

Парламент назоратини амалга оширишда парламент сўрови Қонунчилик палатаси депутатининг сўрови ҳам муҳим рол ўйнайди. Парламент, Қонунчилик палатаси депутата ёки Сенат аъзоси сўрови институти илгари ҳам мавжуд бўлиб, у амалиётда деярли қўлланилмас эди. Қўлланилган тақдирда ҳам сўров олган давлат органлари унга панжа орасидан қараб, расмиятчилик нуктаи назардан муносабатда бўлар эди. Эндиликда парламент, Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси сўрови парламентнинг иш фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Бунга 2018 йилда 9 та парламент сўрови, 207 та депутат сўрови юборилганлиги фикримизни исботидир [9].

Сўров олган давлат органлари ҳам унда кўтарилган масала ҳал этишга катта маъсулият билан ёндашмоқда. Масулиятни хис қилмаганлар учун эса сўровга оид қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик белгиланган. Бу ўз навбатида парламент назоратининг ролини кучайтирмоқда.

Қонунчилик палатасининг назорат фаолияти самарадорлигини оширишда унинг веб-сайтида алоҳида ташкил этилган “Назорат-таҳлил фаолияти” рукни ҳам амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Эндиликда давлат раҳбарининг Олий Мажлисга 2018 йилги Мурожаатномасидаги таклифига кўра, ҳукумат аъзоларининг парламент билан алоқаларини жипслаштириш ва уларнинг парламент олдидаги маъсулиятини оширишнинг янада илғор демократик шакли Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиёти кўзда тутилмоқда. Бу Олий Мажлисга бўлган катта ишонч ва имкониятдир. Бўлажак вазирнинг номзодини, унинг дастури ва унга эришиш йўллари муҳокома қиладиган парламент, аввало, бу вазифанинг муҳим эканлигини ҳис этиши, депутат ва сенаторлар эса шунга муносиб бўлиши лозим.

Мурожаатномада Президентимиз томонидан кўйилган навбатдаги муҳим вазифа Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқиш масаласига эътиборни кучайтиришдир. Маълумки, Давлат бюджетини шакллантириш ва унинг параметрларини белгилаш ишларининг аксарияти ҳукумат ва унинг тегишли тузулмалари зиммасига юклатилган. Уни қабул қилиш маъсулияти эса парламентга юклатилган. Бироқ кейинги йилларда парламентнинг бу масаладаги жуда суст эди. Бу Давлат бюджетининг сиёсий- ҳуқуқий мақомига тўғри келмай, уни Олий Мажлисида юқори савияда ва профессионал даражада муҳокома қилиш талаб этилар эди. Шу боис Давлат бюджетини парламентда кўриб чиқувчи махсус тузилма ташкил этиш ҳамда унинг мақомини кучайтиришга катта эҳтиёж мавжуд эди[6].

Президентимизнинг раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, халқни безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланиши керак, деган кўрсатмаларига амал қилган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари ва раҳбарияти кейинги икки-уч йил ичида ўз фаолиятини бутунлай ўзгартириб, сайловчилар билан ишлашнинг янгича ўзига хос услуб ва шакллари жорий этмоқда.

Бугунги кунда жойларда одамларнинг ғамташвишларидан доимо хабардор бўлиб туриш бир неча шаклларда амалга оширилмоқда:

- жойларга бориб аҳолига хизмат қиладиган давлат ва нодавлат ташкилотлари, муассасалари (соғлиқни сақлаш, маориф, савдо муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари ва бошқалар) фаолияти билан яқиндан

- танишиш, улардаги муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш;

- ҳудудларда давлат органлари мансабдорларининг халққа хизмат қилиш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, Президентимизнинг халқ манфаатларини кўзлаб чиқараётган фармон ва қарорларини бажариш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида эшитиш;

- аҳоли томонидан кўтарилган масалаларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш ёки бу борада маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда чоратадбирлар ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиши юзасидан халқ вакилларининг назоратини таъминлаш;

- жойларда муаммо (масала) билан мурожаат қилган одамларни қабул қилиш, масалани жойида ҳал қилиш ёки бу борада зарур тадбирларни ишлаб чиқиш,

масулларни белгилаш уларни ҳисобот беришини режалаштириш;

-қонун ҳужжатларига ҳудудларда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш учун ҳуқуқий асос бўладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хусусан, 2018 йилда 20 дан зиёд қонунга шу тарзда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

-депутатларнинг жойларга бориб одамлар билан учрашиши, уларнинг муаммолари билан шуғулланишлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уюштирган тадбирларда фаол иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

-аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида аниқ тадбирлар белгилаш, тиббиёт муассасалари

фаолияти билан шахсан танишиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар. Парламентнинг қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назоратини амалга оширишдаги янги демократик жараёнлар парламент аъзоларининг жойларга бориб одамларнинг ташвишларини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва қонунчиликда бунга сабаб бўлаётган бўшлиқларни тўлдириш ёки эскирган ҳуқуқий нормаларни янгилаш борасидаги фаолиятини Президентимиз томонидан “одамлар ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари керак” [4] деган тамойил асосида амалга оширилаётган сиёсатнинг ижросига қўшаётган муносиб ҳисса, деб қараш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2016.
2. Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тарққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент - «Ўзбекистон»-2017.
3. Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017.
4. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017.
5. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Президент асарларининг 1-жилди. Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис қўшма палаталари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси.
8. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси архиви.